



Депутатлар қонун лойиҳасидан норози... 2



Инновацион туризмнинг стратегик йўналишлари 6



Кўли эгрининг йўли эгри 6



Судьялар олий мактаби 7



№12-13  
2019-йил, 12-феврал  
Seshanba (32.503)

# Ўзбекистон ОВОЗИ

1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий кадрларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Қурилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шакллари кенг жорий этиш, айниқса, уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун кулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия муассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

2019 йил 1 мартдан «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкаларининг 1,5 баробарга ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг 75 фоизи даражасида белгилаш;

2019 йил 1 октябрдан «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун қўзда тутилган устамани бекор қилиш

тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

2019 йил 1 мартдан бошлаб оилага тарбия олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,33 баробарга оширилиб, 820 000 сўмни ташкил қилади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

2019 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўланадиган устам ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи миқдорда тўланади;

васийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм миқдорда компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

болалар уйлари, ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабга таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорлари қўлланилади;

оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг икки баробари миқдорда ҳисобланади, бунда меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун амалдаги устам ҳақи бекор қилинади ва «Меҳрибонлик» уйлари тарбиячилари учун белгиланган ҳар йилги таътиплар, имтиёзлар ва кафолатлар бериш тартиби сақлаб қолинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари 1 та психолог штат бирлиги, тарбияланувчилари сони 200 нафардан ортиқ бўлган «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари 2 та психолог штат бирликларини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривож-

лантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил давомида «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълимининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан замонавий компьютер синфларини очиб, тарбияланувчиларни замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитишни ташкил қилиш ва ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрлашнинг таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлиқлар, идоралар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари миқдорини босқичма-босқич кам комплекти болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларига ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 июнга қадар мuddатда 2019-2023 йилларда «Меҳрибонлик» уйлари ноинституционаллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Оила» илимий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органларининг «Ишонч телефонлари» орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилсин, шунингдек, «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилишини, «Ишонч телефонлари» узлуксиз ишлашини ҳамда улардан тарбияланувчилар-

нинг эркин фойдаланишини таъминласин.

4. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича «Йул харитаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

оилавий васийлик ва ҳомийликнинг турли шакллари яратишга қўмаклашсин; 2019 йил 1 июнга қадар «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари ҳудудлари ва хоналари видеокузатув камералари билан жиҳозлашнинг таъминласин, видеоёзувлар махсус архивда камида бир ой давомида сақлашини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида архивлаштиришни таъминласин.

6. Васийлик ва ҳомийлик органлари, «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бошқа тарбия муассасалари:

давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари, ФХДЭ ва ички ишлар органлари, давлат тиббиёт ва бошқа муассасалар орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилишда давлат божи ва бошқа тўловлардан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда харажатлар сметасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳага ихтисослаштирилган муассасаларида тиббиёт тизими педагогик ходимларининг малакасини ошириш учун маблағларни назарда тутсин.

Давоми 2-бетда. ▶



## ЎЗБЕКИСТОН 2035

Мамлакатимизни дунёдаги энг илгор 50 давлат сафига олиб чиқиш бўйича «Буюк келажак» экспертлари қандай таклифлар берди? 3



### «Давлат хизматчисига аввало эътиқод керак»

Бу эътиқод қаерда, қандай шаклланади?

#### ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

Бугун Ўзбекистон дунёдаги илгор тараққиёт даражасида фикрлайдиган, идора-ташкilotларда янги муҳит яратиб оладиган, ўзгаришлардан қўрқмайдиган, фидойий раҳбар-кадрларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ муҳтож. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти директори, сиёсий фанлар доктори, доцент Ақтам ЖАЛИЛОВ билан шу мавзу атрофида суҳбатлашдик.

Давоми 5-бетда. ▶

## ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ ҒУРУРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

### Қутқарувчи, чангютгич, айғоқчи роботлар



#### ЯНГИ ТАЙИНЛОВЛАР

### ДХХ раиси ўзгарди

ЎЗА сайти тарқатган маълумотларга кўра, кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири лавозимида ишлаб келган генерал-лейтенант Азизов Абдусалам Абдумавланович Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси лавозимига тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси лавозимида ишлаб келган Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович соғлиги ёмонлашгани туфайли ўз аризасига биноан (кейинги бир йилда бўйин ва бел умуртка поғонасида икки марта оғир жарроҳлик амалиётини ўтказган) лавозимидан озод этилган.

### Янги мудофаа вазири

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири лавозимида ишлаб келаётган генерал-майор Курбанов Баҳодир Низамович тасдиқланган.

Б.Курбанов аввал ички ишлар вазирининг ўринбосари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бosh бошқармаси бошлиғи вазифаларида ишлаган.

Қонун ҳақмага тушунарли бўлиши керак.

# Депутатлар қонун лойиҳасидан норози...



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Репродуктив саломатлиқни асраш соғлом болалар туғилишини асоси ҳисобланади. Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида мазкур масала билан боғлиқ қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Белгилансинки, асосий ишдан ажралган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларга ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланади.

8. Қуйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар (туман) ҳокимлари:

«Меҳрибонлик» уйларига кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болалари ҳамда ота ёки онадан бирига эга болаларни вақтинчалик жойлаштириш бўйича қарорларнинг асосланганлиги;

уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз вақтида турар жойлар ажратилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар жойлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Тижорат банкларига етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, шу жумладан, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларга ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартиралли уйлardan квартира сотиб олиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Белгилансинки, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадалли Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший ва турар жой шартларини яхшилаш мақсадида, шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон кўп квартиралли уйлари куриш параметрларини шакллантиришда, 2020 йилдан бошлаб уй-жойга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзли ипотека кредити бериш асосида сотиш учун уйлар курилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ишга жойлаштирилиши устидан тизимли мониторинг механизминини ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунини янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қарорларни назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

«Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини дастурлаш кўникмаларига ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш мақсадида уларнинг Интернет тармоғига уланиши ва компьютерлар билан жиҳозланишини, бунда 10-11 синф ўқувчиларига «ахборот-коммуникация технологиялари» йўналишида етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шартитлар яратилишини;

электрон ўқув, шу жумладан, компьютер дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги материаллардан фойдаланиш мақсадида «Меҳрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларининг «ZiyoNET» таълим тармоғига уланишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларнинг тутинган ота-оналари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинишини таъминлаш бўйича тақлифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин, шунингдек, ҳар йили Давлат бюджетди параметрларида ушбу кўрсатилган мақсадлар учун маблағни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

«Давоми, бошланғич 1-бетда».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри, 2019 йил 11 февраль

Адлия вазирлигининг билдиришича, охириги йилларда ажралишларнинг 4,7 фоизи бепуштлиқ оқибатида рўй бермоқда. Ўзбекистонда ўтказилган турли тадбирлар натижаларига кўра, бирламчи бепуштлиқка чалинган аёллар барча турмуш кўрганларнинг умумий сонига нисбатан қариб 5 фоизни ташкил этади. Бу рақамлар ердамчи репродуктив технологияларни жорий этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Лекин мамлакатимизда ҳозирча аҳолининг репродуктив саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш, бепуштлиқнинг олдини олиш ва даволаш учун етарли бўлган ҳуқуқий асос яратилмаган.

«Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси мазкур бўшлиқни тўлдирishi мақсадида ишлаб чиқилгани айтилмоқда. Агар бу ҳужжат қабул қилинса, ҳаётга, оилаларнинг саломатлигига қандай ижобий таъсир кўрсатади? Аммо бу каби саволларга фурсат етмади. Депутатлар қонун лойиҳасининг сифатига эътибор қаратишди. Тўғри-да, сифат бўлмасам самара ҳақида гапириш мумкинми?..

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا кўра, репродуктив саломатлик бу — инсон ҳаётининг барча босқичларида репродуктив тизимга тааллуқли бўлган жисмоний, ақлий ва иқтисодий жиҳатдан соғийшталлик ҳолатидир. Шунингдек, умумий соғлиқнинг муҳим қисми бўлиб, ҳаётнинг шахсий жиҳатларига тегишли масала ҳисобланади. Бунда эркак ва аёлнинг ахборот олиш ҳуқуқлари, оилани ўз хоҳишлари бўйича режалаштиришда хавфсиз, самарали, қўлай ва мақбул усуллардан фойдаланиш, аёлларнинг ҳомиладорлик ҳамда туғиш даврини хавфсиз ўтказишда соғлиқни сақлаш хизматларига бўлган ҳуқуқлари назарда тутилади.

Бу ҳақда тақлиф этилаётган қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида ёзиб қўйилган. Бироқ лойиҳада репродуктив саломатлик нима, деган савол очик қолган. Кўриниб турибдики, қонун яна тор доирадаги мутахассислар учун ёзилган. Қонун моҳияти ҳақида оддий одамлар ўқиб, тушунадиган жумлалар бўлмаса, қўйилган натижани бермайди. Қонун лойиҳасининг концепцияси қўллаб-қувватлайди. Аммо унинг тушунарли, ҳаммага тенг аҳамиятга эга бўлиши учун хали кўп ишланиши керак. Лойиҳада репродуктив саломатлик, репродуктив тизим ҳақида гап кетляпти. Репродуктив сўзининг очиб берилиши ҳам анча-мунча тушунмовчиликларни бартараф этади, назаримда.

Шухрат ТУРСУНБОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Тўғриси, кўпчилик қатори шахсан ўзим ҳам репродуктив саломатлик ҳақида аниқ бир тушунчага эга эмасман. Турли

қарашлар, ҳар хил ёндашувлар бўлгани сабабли мазкур жумланинг асл мазмун-моҳиятини очиб бериш талаб этилади ва бу қонун лойиҳасида ифода этилиши тарафдориман. Биргина мисол — оилани режалаштириш, деган жумлада ориентация йўқолиб қолган. Бу ҳужжатда ҳар бир масала, ҳар битта жумла тўғри қўлланилиб, белгилаб берилиши керак. Ана шунда одамлар орасида тушунмовчилик, эътирозлар бўлмайди.

Иккинчидан, мазкур қонун лойиҳаси аҳоли саломатлигини сақлашга катта таъсир кўрсатувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Партиямиз бир неча марта бундай қонун лойиҳасининг зарурати ҳақида тақлиф билан чиққан. Шунинг учун уни қўллаб-қувватлаш тарафдориман.

Яна бир гап. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маблағ талаб қилмайди, деб айтилмоқда. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида маблағ талаб қилмайдиган йўналиш деярли йўқ. Бу масалада қўшимча маблағ бўлмаса, қонун эртага қабул қилингани билан ишламайди, одамларга, оилаларга фойдаси тегайди. Шу боис репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилишнинг молиявий асослари қайси манбалар ҳисобидан ҳал этилиши бўйича ўйлаш, тақлифлар бериш талаб этилади.

Мақсуда ВОРИСОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Қонун лойиҳасида давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат ҳажми, деган нарса аниқланмаган. Демак, репродуктив саломатлик соҳаси бепул тиббий хизмат сирасига кирмайди. Шунинг учун бюджетдан маблағ талаб қилмайди.

Врач, мутахассис сифатида бир масалани айтишни жоиз, деб биламан. Икки тараф келишув асосида сунъий уруғлантириш орқали дунёга келган боланинг ДНКси отага ёки онага тегишли бўлиши мумкин. Эртага ўша оилادا ажралиш ёки бошқа кўнгилсиз ҳолат рўй берса, туғилган шахсининг ҳақ-ҳуқуқи нима бўлади?.. Шунинг учун қонунда чақалоқнинг ҳақ-ҳуқуқини кафолатлаш масаласи акс эттирилиши тарафдориман.

Репродуктив саломатлик, деганда носоғлом оилалар ҳам тушунилади. Яъни, кетма-кет ногиронлиги бўлган фарзандни дунёга келтирган бўлса-да, туғилиш тўхтамайди. Врачларнинг тавсия ва кўрсатмаларига қўлқўтмайди, деганлар ҳам кўп. Носоғлом бола дунёга келишини олдиндан билса-да, зарурий муолажаларни олмайдиган ота-оналарга таъсир чоралари кўрилиши керак, деб ўйлайман. Эҳтимол, бу масала бошқа меъёрий ҳужжатда назарда тутилган. Яъни, носоғлом бола туғилишини била туриб, унинг олдини олмастик умуминсоний қадриятларга ҳам тўғри келмайди. Манаси шу масала ҳақида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Зотан, бу ҳам репродуктив саломатлик саналади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

# Қонунлар тез ўзгаради. Нега?

## СИЁСИЙ СЕМИНАР

**«Ҳаракатлар Стратегияси» марказида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан «Қонунлар нормаларини ҳаётга тўғридан-тўғри амал қилиш механизмларини такомиллаштиришда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг иштироки» мавзусида семинар ўтказилди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ходимлари, депутатлар, ижрочи котиблар, олим ва мутахассислар иштирок этди.

— Барча даражадаги партия ташкилотлари фаолиятида тизимлилик, узвийлик таъминланиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Айтиш кераки, бугунги кунда қонунларнинг ислохотлар самарасига таъсири етарлича сезилмаяпти. Қонун лойиҳаларига тақлифлар олишда марказ ва қўйи бўли орасида алоқа узилиб қоляпти, оқибатда қонунлар ҳаётдан узоқлашиб кетмоқда. Бунга номига, саъб, асосиз тақлифлар берилаётгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Партиянинг туман, шаҳар бўлимларида ишлаётган ижрочи котибларнинг фаолиятини ҳам қониқарсиз, деб баҳолаш мумкин. Мазкур бўлин мутахассислари кўп ҳолларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, депутатлар билан тизимли мулоқот ўтказиш туғул, ўзининг асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини ҳам билишмайди.

Шунингдек, маҳаллий Кенгашларда депутатлик гуруҳларининг таъсири сезилмаяпти. Қўйи ташки-

лотлар ва депутатлар фракцияда қўрилаётган қонун лойиҳаларидан етарлича хабардор бўлмаяпти. Ўз вазифасига совуққонлик билан қарайдиган, сайловчилари билан ойда бир кўришиб дарадин тингламайдиган депутатнинг бундан қандай хабари бўлсин?..

Қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлашда ижрочиларга етказиш масаласи ҳам муҳим. Таъсирчан назорат усулларини ишлаб чиқиш зарур. Негаки, кўп ҳолларда қабул қилинади, ижросига келганда муаммоларга дуч келинади. Ҳолатни атрофлича ўрганишни бошласангиз, унинг замирида ўткир ҳаётий муаммолар ётганини кўрасиз. Қонун бир тарафда, иқтисодий муносабатлар бошқа тарафда қолади. Аслида қонун бундай муносабатлардан бир қадам олдинда юриши керак.

— Кўпчилигимиз қонуности ҳужжатлар билан ишлашга ўрганиб қолганмиз, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова. — Дейлик, соғлиқни сақлаш тизимида янги қонун қабул қилинди. Албатта, кўп ўтмай, унинг асосида бир қанча қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқилади. Бундай вазиятда фуқаронинг манфаати доимо биринчи ўринда туради, дея олмайсиз. Негаки, қонуности ҳужжатлари асосан ташки-



лот, идора ва вазирликнинг бошқарувига қўлай шаклда тузилади.

Яна бир муҳим масала. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасига кўра, уларнинг матни қисқа ва раван тилда баён этилиши лозимлиги белгиланган. Бунда фойдаланилган тушунарлар, атамалар турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган қўллаб-қувватлаш керак. Масалан, утан йили ишлаб турган нафақадаги шифокорларга пенсиялар тўлиқ тўлиниши тўғрисида қарор қабул қилинган. Қарорнинг қўлланилиши билан боғлиқ масалаларда айрим тушунмовчиликлар бўлди. Шу боис баъзи вазирликларга мурожаат қилиниб, изоҳ сўралди. Тан олиб айтиш керак, бир қанча ҳужжатларимиз борки, улар қабул қилингандан кейин алоҳида изоҳлашга, шарҳлашга тўғри келади. Ваҳоланки, қонун, меъёрий ҳужжат оддий усулда, ҳаммага тушунарли шаклда ёзилиши керак. Қонун лойиҳаларини тайёрлашда шу масалага алоҳида ургу бериш лозим.

— Қонунларимизни хорижий мамлакатлар қонунлари билан солиштирганда уч жиҳатда эътибор қаратиш керак, — деди Ўзбекистон ХДП фаоли, иқтисодий фанлари доктори, профессор Шарбат Абдуллаева.

— Биринчидан, қонунларимиз тез ўзгарувчан. Дунёда шундай Конституциялар борки, юз йилларда ўзгариш киритилмаган. Давлатнинг бошқа қонунлари ҳам шунга асосланади. Бизда эса бир қонун қабул қилинадию, кўп ўтмай бир қанча ўзгариш ва қўшимчалар киритилади. Тўғри, буни замон талаби, деб баҳолашингиз ҳам мумкин. Аммо ҳар бир қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётган вақтда мукамал тарзда, келажакни ўйлаб тайёрланиши ва у тўлақонли равишда халқ, жамият учун хизмат қилиши керак, деб ўйлайман.

Иккинчи жиҳат. Маълумотларга кўра, бугунги кунда 36 мингдан ортиқ меъёрий ҳужжат мавjud экан. Табиийки, фуқарода бу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ўр-

ганиш имконияти йўқ. Шунингдек, вазирлик, мутасадди ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган буйруқ, йўриқнома ва бошқа турли шаклдаги ҳужжатларда ўз манфаати устунлиқ қилиши бор гап. Вақти келганда улар бир-бирини инкор этиши ҳолатлари кузатилаётгани ҳам ҳақиқат.

Масаланинг яна бир томони. Аҳолининг аксарият қисмида қонунни бузиш мумкин, деган тушунча шаклланган. Ҳеч бўлмаганда, уни четлаб ўтиш чораларини ўйлашади. Нимага? Чунки қонунда шунга «шароит» бўлиши мумкин. Ривожланган давлатларда бунга йўл қўйилмайди.

Семинарда қонун ижодкорлиги йўналишида партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш кўзда тутилгани таъкидланди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.  
Қодир БУМАТОВ олган сурат.

«Буюк келажак бугундан бошланади»

# ЎЗБЕКИСТОН 2035

Мамлакатимизни дунёдаги энг илгор 50 давлат сафига олиб чиқиш бўйича «Буюк келажак» экспертлари қандай таклифлар берди?

«Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти Экспертлар кенгаши Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантиришнинг узоқ муддатли Стратегия концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқди. 5-6 февраль кунлари пойтахтимизда ўтган «Uzbekistan 2035» иккинчи халқаро анжуманда ушбу таҳлилий лойиҳа атрофлича муҳокама этилди.

## «Буюк келажак» ўзи қанақа ташкилот?

«Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (ХННТ) 2018 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Унинг асосий таҳлилий органи чет элда тажриба орттирган 240 нафардан ортиқ юрtdошимизни бирлаштирган Экспертлар кенгаши ҳисобланади.

Ташкилотнинг мақсади Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларга кўмак бериш, уларнинг самарадорлигини ошириш, давлат ва жамиятни жадал ривожлантириш йўлида эксперт маслаҳатлари билан қўллаб-қувватлашдир. Жаҳонда ҳаёт тез ўзгаришти, тараққиёт кун сайин олға кетаяпти. Бундай тарихий шароитда кундалик ўй-ташвишларга ўралашиб, тор доирада фикрлаш ярамайди, узоқни кўзлаб, катта режалар тузган давлат, халқ, миллатгина келажакда ўзига лойиқ ўринини эгаллай олади. Шу нуқтаи назардан «Uzbekistan 2035» халқаро анжумани мамлакатимиздаги катта ва муҳим воқеа бўлди.

Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов, «Буюк келажак» экспертлар кенгаши раиси Алишер Каланов ва бошқалар сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдирди, тадбир иштирокчиларини қутлади.

Ялли сессиядан сўнг мутахассислар саккиз ишчи гуруҳга бўлиниб, Стратегиянинг асосий бандларини депутатлар, давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида батафсил муҳокама қилишди.

## Стратегия концепцияси лойиҳаси: асосий 8 йўналиш

1. «Давлат бошқарувини ривожлантириш»
2. «Қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати»
3. «Молиявий тизим»
4. «Саноат»
5. «Транспорт, қурилиш ва инфратузилма, туризм»
6. «Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат»
7. «Инсон капитали ва маданият»
8. «Экология, илм-фан, технология ва инновациялар»

Ўзбекистонни 2035 йилгача ривожлантиришнинг узоқ муддатли Стратегия концепцияси лойиҳаси интернетдаги <http://uzbekistan2035.uz/> манзилда тўлиқ кўринишда жойлаштирилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хўжажат лойиҳаси ва унга қўшимча материаллар жами 450 саҳифага яқин. Ҳар бир соҳа ва тармоқдаги асосий муаммо ва камчиликлар, ҳозирги ривожланиш ҳолати, халқаро амалиёт, илгор давлатлар тажрибаси, жаҳонда тан олинган нуфузли рейтинглардаги вазият, Ўзбекистонни 2025, 2030 ва 2035-йилларгача бўлган муддатларда ривожлантириш истиқболлари ва бу борадаги стратегик ташаббуслар батафсил кўрсатиб ўтилган.

«Буюк келажак» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти матбуот маркази ходими Шоҳсанам Хуррамованинг маълум қилишича, халқаро анжуманда давлат ва жамият ҳаётининг муҳим соҳалари бўйича мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар, ранг-баранг тақдиротлар ҳақидаги батафсил маълумотлар ташкилотнинг расмий сайти — [uzexpertsovet.com](http://uzexpertsovet.com) манзилга тез кунларда жойлаштирилади. Яъни, ҳар бир юрtdошимиз мамлакатимизни узоқ муддатли ривожлантиришга оид таклиф ва ташаббуслар билан бевосита ҳамда батафсил танишиш имконига эга бўлади.

Давлат ҳокимияти бошқарувини демократлаштириш йўналишида долзарб аҳамият касб этадиган соҳаларга оид айрим хулоса ва таклифлардан мисоллар келтиришни жоиз, деб топдик.



## ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТнинг ҳозирги ривожланиш даражаси қандай?

Қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти билан боғлиқ муҳим муаммолар қуйидагиларга экани таъкидланмоқда:

- тўлиқ мустақил эмас;
- қонунчиликнинг сифати барқарор эмас ва яхшиланиш зарурати катта;
- қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда ишончли далилларга асосланмайди, «ақлли тартибга солиш» тамойилидан етарли даражада фойдаланилмайди;
- давлат органларининг ҳаракатлари мувофиқлаштирилмаганлиги ва уларга илмий ёрдамнинг сустиги ҳужжатларнинг сифатини пасайтиради;
- қонунларни муҳокама қилиш жамоатчилик учун чекланганлиги ва бошқа ҳолатлар.

Қонунларда аниқлик етарли эмаслиги қонуности ҳужжатлари сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатади, шу билан бира, турли англашилмовчилик, қарама-қаршиликлар ва коррупцияга шароит яратадиган ҳолатларни келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қарийб 5 фоизи қонун ва кодекслар, қолган тахминан 95 фоизи Президент, ҳукумат, вазирлик-идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳисобланади. Қонунлар юқори сифатли эмаслиги (ҳар хил талқин қилиш мумкинлиги, ортиқча тартибга солиш, қўллашнинг мураккаблиги ва хоказо) меъёрий ҳужжатларда қарама-қаршилик муаммосини келтириб чиқаради, шунингдек, аниқликнинг пастлиги коррупцияга шароит яратади.

## Қонун чиқарувчи ҳокимият бўйича қандай асосий стратегик ташаббуслар илгари суриляпти?

**2025-ЙИЛГАЧА** — вакиллик ҳокимиятининг мустақиллигини ошириш, жамоат назоратини кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнида жамият иштирокини таъминлаш, давлат идоралари ўртасида электрон тизим яратиш ва бошқа таклифлар.

**2030-ЙИЛГАЧА** — қонун чиқарувчи орган фаолияти устидан жамоат назорати жорий этилишига эришиш, «ақлли тартибга солиш» усулларини тизимли жорий этиш, сиёсий маданиятни юксалтириш, парламентнинг мустақиллигини ошириш (Демократия кўрсаткичи бўйича дунёдаги илгор 70 та давлат қаторида бўлиш).

**2035-ЙИЛГАЧА** — Парламентда фикрлар ва оппозициялар хилма-хиллигига эришиш, қонун чиқарувчи орган ва ижро идоралари ўртасида мувозанатни ўрнатиш, қонун ижодкорлиги жараёни устидан кучли жамоат назоратини таъминлаш ва бошқа таклифлар.

## СУД ҲОКИМИЯТИ билан боғлиқ қанақа хулосалар алоҳида кўрсатиб ўтилди?

• Судлар куч ишлар тузилмалардан мустақил бўлиши, судларга уларнинг раислари ёки юқори турувчи суд идоралари орқали босим ўтказилмаслиги;

• Олий Суд кенгаши, судьяларни танлаш ва тайинлаш тизими мустақиллигини кафолатлаш;

• Судьялар қарорлари жуда кам учрайди, статистикага киритилган, лекин кейинчалик бекор қилинган оқлов қарорлари ҳам йўқ эмас;

• Судьялар иш ҳажми жуда юқорилиги қарор сифатига, қўпол ҳуқуқий ҳал-толар ва инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларига олиб келади;

• Адвокатура институтининг ҳурмати ва мақомини ошириш судларда ишларнинг адолатли қўрилишини, томонлар тенглигини таъминлайди ҳамда бошқа хулосалар.

## Суд ҳокимияти ҳақида айрим фактлар

Қонун устуворлиги рейтингига Ўзбекистон 91-ўринда қайд этилган. 2018 йилда бу борадаги тадқиқот ва кузатувлар 113 давлатда қамраб олинган. Рейтингда кўшни Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари 64- ва 82- ўринларда кўрсатилган.

Аҳоли сонига нисбатан судьялар сони Ўзбекистонда (2018 йилги ҳолат) 23810 кишига 1 судьяни ташкил этган. Францияда 11 минг, АКШда 9 минг, Германияда 4 минг аҳолига 1 нафар судья тўғри келади. Ўзбекистонда 2012-2016 йиллар оралиғида 7 та, 2018 йилнинг 9 ойида 590 та оқлов қарори чиқарилган.

## Суд ҳокимияти бўйича таклиф этилаётган стратегик режалар

**2025-ЙИЛГАЧА** — Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришиш мақсадида махсус «йўл харитаси» қабул қилиш ва амалга ошириш, юридик таълимни изчил ислоҳ қилиш, тортишувларни ҳал этишнинг муқобил усулларини кенг қўллаш, судлар фаолиятига илгор IT технологияларини жорий қилиш.

**2030-ЙИЛГАЧА** — Ҳуқуқ устуворлиги — қонун ва амалиёт ўртасида тўлиқ мувофиқликка эришиш. Ўзбекистон судьяларининг халқаро ҳужжатлар меъёрларини тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини яратиш ва бошқалар.

**2035-ЙИЛГАЧА** — Халқаро даражада — Ўзбекистондаги суд тизими Буюк Британия, Швейцария, Голландия каби илгор давлатлар даражасига етади. Халқаро ҳуқуқ Ўзбекистондаги ҳуқуқий тизимнинг ажралмас қисмига айланади, Ўзбекистон судьялари ва бошқа ҳуқуқшунослар халқаро суд жараёнида қатнашади...

## ИЖРО ҲОКИМИЯТИнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатида кузатилаётган асосий камчиликлар нимада?

- кадрлар етишмовчилиги, кадрлар тайёрлаш тизими сустиги, рағбатлантирувчи омиллар йўқлиги;
- ижро ҳокимиятида ички назорат яхши ривожланмагани;
- ижро ҳокимияти қонун чиқарувчи орган ва жамият томонидан етарлича назорат қилинмаслиги;
- аҳоли учун электрон давлат хизматлари кенг йўлга қўйилмагани;
- давлат дастурлари ва лойиҳалар самарали амалга оширилмаслиги;
- коррупция кўрсаткичи юқори ва бошқалар.

Жаҳон банкининг давлат бошқаруви самарадорлиги рейтингига Ўзбекистон 214 давлат орасида 150-ўринда (2016 йилги ҳолат) қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил август ойидаги Қарори (5185сонли) билан тасдиқланган Маъмурий ислохотлар концепциясида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Аммо ушбу Концепцияни ҳаётга тадбиқ этиш жараёни оқсамокда. Шунинг учун мазкур ҳужжатни амалга ошириш механизминини яратиш тақозо этиляпти.

Коррупцияни идрок қилиш бўйича Бутун жаҳон рейтингига Ўзбекистон 180 давлат орасида 158 ўринда (2018 йилги ҳолат) кўрсатилган. 2017-2018 йилда коррупцияга қарши курашиш дастури муҳим жараёнинг бошланиши ҳисобланади, аммо бу йўналишда кенг қўллаш ва узоқ муддатли сиёсат юритиш талаб этилади.

Ижро ҳокимияти фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллардан яна бири бу — давлат хизматлари йўналишида кадрлар тайёрланмаслиги ҳисобланади. Илгор мамлакатларда бу масала алоҳида эътиборга олинади. Масалан, Сингапурдаги Civill Service Collage (CSC) 468 ўқув дастурини тақдим қилади ва уларда 43 мингдан ортиқ киши ўқийди.

Ўзбекистонда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мавжуд. Лекин у ерда машгулотлар фақат 3 йўналишда ўтказилади. Йилгига 200 га яқин киши ўқитилади ва бу давлат хизматчиларининг 0,1 фоизидан камини ташкил қилади.

## Ижро ҳокимияти бўйича қандай стратегик ташаббуслар илгари суриляпти?

**2025 ЙИЛГАЧА** — Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурини самарали амалга ошириш, қонунларни такомиллаштириш, Коррупцияни идрок қилиш рейтингига илгор 110 та давлат қаторига кириш, ОАВ ёрдамида сўз эркинлиги ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, Бутунжаҳон матбуот эркинлиги рейтингига илгор 100 давлат қаторига кириш ва бошқа таклифлар.

**2030 ЙИЛГАЧА** — Жамоат назорати бўйича мустақил институтлар шаклланишига шароит яратиш (жамоат ташкилотлари, мустақил ОАВ учун грантлар, Бутунжаҳон матбуот эркинлиги индексида илгор 80 та давлат сафига кириш) ва бошқа таклифлар.

**2035 ЙИЛГАЧА** — бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш, (дунёдаги илгор 20 давлат қаторига қўшилиш), сўз эркинлиги ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоат назорати олиб боришнинг самарали тизимини яратиш, барча давлат хизматларини рақамлаштириш ва бошқа таклифлар.

## Ўзбекистон ҳақидаги фикр ўзгаришти

Ҳабиб АБДУЛЛАЕВ, «Новоий» эркин иқтисодий зонаси директори, «Буюк келажак» экспертлар кенгаши аъзоси:



— Стратегия лойиҳаси 2020-2025, 2030, 2035 йилларга мўлжалланган учта босқичда амалга оширилиши белгиланган. Биринчи босқич стратегик ривожланиш мақсадлари учун фаол инвестициялар, яъни иқтисодий ривожланишга кучли туртки бўла оладиган инвестицияларни жалб қилишни ўз ичига олган. Иккинчи босқичда мамлакатнинг иқтисодий ва технологик салоҳияти рўбга чиқарилади. Сўнгги босқичда етук бозор иқтисодига ўтилади. Бу пайтга келиб Ўзбекистонни жаҳондаги иқтисодий ривожланган 50 та етакчи мамлакат қаторига киритишга эришилади.

Жаҳон банки 2016 йилда эълон қилган «Doing business» рейтингига Ўзбекистон 64 поғона юқорилаб, 42-ўринни қайд этган эди. Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижалари жаҳондаги бошқа етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам эътиборга этилмоқда. Мисол учун, нуфузли «Fitch Ratings» ва «Standart & Poor's» рейтинг агентликлари биринчи марта юрtdошимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодий жадал сурутлар билан ривожланишига шубҳа билан қаровчи скептикларнинг ҳам фикрини ўзгартириб юборди.

## Инсон капиталига сармояни аямаслик керак

Малика ШАРИПОВА, «NewLinks Global» консалтинг компанияси ҳамкори (Бельгия, Брюссель), «Буюк келажак» экспертлар кенгаши аъзоси:



— Ҳозирги пайтда бор куч, сармояни инсон капиталини ривожлантиришга сарфламасдан тараққиётга эришиб бўлмайди. Эътибор беринг, Америка Қўшма Штатларида 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган ҳар бир фуқаронинг таълим олиши учун давлат бир йилда 231 минг доллар, Жанубий Корея 130 минг доллар сарфлайди. Шу тарафда мазкур мамлакатларда бир ишчи кучини шакллантиришга кетган харажат ўзини 13-17 қарра оқламоқда. Бизда бу кўрсаткич 19 минг долларни ташкил этиб, сармоялар ўзини бор-йўғи 4 баравар қопламоқда.

Тахлилларга кўра, жаҳонда саноат ривожланишининг янги босқичида кўплаб иш уринлари автоматлаштириш ва рақамли технологиялар билан боғлиқ бўлади. Ҳозир ҳаттоки ривожланган мамлакатларда ҳам ишчиларнинг атиги 25 фоизи керакли малакага эга, холос. Шу боис ҳам ривожланган мамлакатлар бор эътиборини фуқароларнинг билим олишига, малакасини доимий равишда оширишга қаратмоқда.

Келгуси 5 йил ичида жаҳонда барча меҳнат турларининг 7 фоизи автоматлаштирилиши тахмин қилинмоқда. Бу келажакда 57 фоиз ишчи-хизматчи ишсиз қолади, дегани. 2035 йилга бориб Ўзбекистонда ҳам худди шундай вазият юзага келиши эҳтимоли бор. Ҳисоб-китобларга кўра, 2035 йилгача мамлакатимизда 20,7 миллион меҳнатга лаёқатли кишини иш билан таъминлаш эҳтиёжи юзга келади. Бунга ҳозирданок тайёргарлик қўриш учун, аввало, жиҳдоний шахслар, компаниялар ҳар бир кишига меҳнатидан оқиллона ечимларни топиши зарур.

Инсон капиталини ривожлантириш тизими одамларнинг ўзига ишончини ошириш учун ўзларини қайтадан кашф этишга имкон берадиган ва кучайтирадиган платформаларни яратиш демакдир. Шундай экан, тизимда янгилаш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни кўра бишиш, инсон қобилиятини кучайтиришга қаратилган дастурлар ва моделларни ишлаб чиқиш ва янги гоилар талаб этилади.

# Яхши ихтирога сарфланган маблағ ўзини юз карра, минг карра оқлайди.

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида "Robot-uz 2019" робототехника соҳасида иқтидорли талабалар республика танлови бўлиб ўтди. Унда роботлар танлови, LEGO конструкторларида йиғилган роботлар пойгаси, лабиринтдан ўтиш, ким чакқон (радиобошқарувга эга роботлар учун), интеллект даражасини намойиш қилиш, роботлар иштирақиси футбол мусобақаси каби синовлар ўрин олди.



## Қутқарувчи, чангютгич, айғоқчи роботлар

бир манзил сўралса, кўрсатиб юборди. Музейга кирдингиз, маълум бир экспонат ҳақида сизга маълумот керак, роботдан сўрасангиз, у ҳақидаги барча маълумотларни айтиб беради ва видеоларни кўрсатади. Дастурий тиллар ўзбек тилида ёзилганлиги учун ўзбек тилини қабул қилаётган. Келажакда уни янада такомиллаштирамиз.

Мана бу ускунамиз эса иссиқхоналарда қўл меҳнатини камайтириш учун ёрнимошадиган робот. Иккита катта мотор қўйилган, 7 амперда ишлайди. Олдида қўлдан қўриқилган, уни айланиб ўтиш учун иккита қўз ўрнатилган. Бирни кўрсатмақ сингаги ультратовуш юборди, иккинчиси қабул қилади. Мана шундай тарзда олдидаги тўсиқни аниқлайди. Қанча ёрни ҳайдаш кераклиги тўғрисида дастурга киритасиз ва уни ўзи ҳайдаб чиқади. Бир марта қувватлантирилганда бир соат давомида фойдаланса бўлади. Ҳозирда унда фақат қўлдан қўриқилган фойдаланиш мумкин. Бугунги кунда уни такомиллаштириш устида ишляялми.

— Масофадан бошқариладиган ақлли чангютгич, айғоқчи юборсангиз бўлди, ўзи хонани тазалаб чиқади. — дейди Тошкент давлат техника университетининг 1-босқич талабаси Амина Бекпўлатова. — Узини ўзи бошқаради, яъни хонанинг қаерида чанг бўладиган Arduino Unoга ёздиқ, гидиракларини ишлатиш учун драйвердан фойдаланганми. Юриш йўлини, масофани ўлчаб юриш учун махсус датчик қўйилган. Хонани тазалаш учун айғоқчи юбораман, ўзи тазалаб чиқиб кетади. Буйруқ бериш шарт эмас. Факатгина битта камчилиги бор. Қўлисидан чиққан тўлиб кетса, уни ўчириб, ўзингиз олишингиз керак. Бу камчилиги ҳам тўғрилайми. Мусобақага қадар бунга улгурмадик. Лекин шунга қарамай ҳозирда унга буюртмалар олапми. Нархи ўртача 500 минг сўмга боради. Бу 5 нафар курсдошимиз билан жамoa бўлиб ясаган биринчи роботимиз. Бундан ташқари, жамoaмиз билан футболчи ва Сумо роботларини ясаганми.

— Улардан бири мана бу роботимиздир, у реклама учун мўлжалланган, — дейди Аминанинг курсдоши Санжар Рўзимуродов. — Биз бунини университетда қўшимча дарс бўладиган хонага кирверибди жойлаштирганми. Қирган

одамга салом бериб, саволларига жавоб беради ва бошқа амалларни бажаради. Ҳозирча тўлиқ мукамаллаштирилганимиз йўқ. Сабаби бизда қувват манбаи тизими маълумолар бор. Бу муаммо фақат бизда эмас, бошқаларда ҳам бор. Кўчдан ютук оламан десангиз, теликдан ютказасиз, теликдан ютук оламан десангиз кўчдан ютказасиз. Бу физиканинг олтин қондаларидан бири. Японияда ASIMO деган робот бор. Унда бу камчилик бартараф этилган. Сабаби унинг тизими бошқача. Мисол учун японлар ASIMOnинг ҳар бир қисмини ўзлари ишлаб чиқаришади. Биз робот ясаш учун унинг қисмларини четга буюртма бериб, олдириб келтирамиз. Уни ампер, кучланишлари кўрсатилган бўлади. Биз ўша кучланишни топиб бера оламиз, муаммо тарафи шуки, у катта бўлиб кетади ва мувозанат бузилади. Оғирлик бузиладиган кейин робот ҳамми метрда бўлмайди. Бунинг бир йўли

роботимиз ҳамма қисмларини ўзини ясашимиз керак. Бунинг учун эса бизга қўшимча керак. Роботнинг бир қисмини ҳаракатлантириш 90 минг сўм, ҳар бир бармоқини бурилиши 95 минг сўм атрофида боради. Бундай ҳаракатланишлар қўлини тундан бўлсангиз керак. Уларни ҳисобласангиз қанча пул бўлади? Бу бизга оғирлик қилади. ASIMOnи ҳам ўзимиз ясамак бўлади, фақат бизга ҳеч бўлмаган материалларга ердан беришса ва кўпроқ вақт берилса бўлади.

— Унингиз қаровисиз қолган вақтда сиз телефон билан ўзини бемалол кузата оласиз, бунинг учун бизнинг ускунамиз сизга ёрдам беради. — дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг 2-босқич талабаси Элбек Махмуров. — Айтилган ошондага газ микдори мейёрдан ошиб кетди, қурилма ошонангиздаги газ микдори, ҳаводати намлик ва бошқа маълумотлар ҳақида телефонингизга хабар юборди. Ундан кейин деразаларни очиб, ҳаво ҳароратини мейёрига келтириди, вазият ўнгланган, эшик-деразаларни ёпиб, сизга ўйингиз ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот юборди. Шунингдек, ўйингизда болангиз бир ўзи қолди, у йиғилганда қурилма истасангиз интернетта улангиз уни кўрсатишни ёки телефонингизга хабар юбориши мумкин.

Бундан ташқари, учувчисиз парвоз қиладиган дронларни такомиллаштирган-

миз. Тогли ҳудудларда, газли жойларда, одам бериши имкони қўйин ёки умуман йўқ бўлган жойларда дрончи юбориш мумкин. Дрон мазкур жойдаги вазият ҳақида хабар юборди, унга радиация ҳам таъсир қилмайди, ҳамма 2-3 баробар икратиртириш мумкин. Шунингдек, уларни ҳарбий соҳада ҳам қўллашни йўлга қўйдик.

Бундан ташқари, мана бу роботимизни ҳам ҳарбий соҳада қўллаш мумкин. Биз уни товуш тўлиқини билан бошқаримиз. Сабаби электромагнит тўлиқинини бузиш осонроқ. Ҳақерлар электромагнит тўлиқинини бузиб, роботни сизга қўллаш мумкин. Биз масофадан туриб кичкина частотали товуш тўлиқини юбориш орқали роботни ҳаракатга келтирамиз. Ҳудуд ҳақида барча маълумотларни олиш учун унга газ датчиклари, камера қўйилади. Ташқи кўринишини ҳақиқий ҳайвондек яшаи мумкин. Ҳозирда биз уни ит ва чаёнга ўхшаган шаклларини ясаганми. Мазкур роботнинг югуни бир томондан юқори ҳавфозалиги нъзамини билан бўлса, иккинчидан айғоқчилик вазифасини ҳам бажаради.

Шунингдек, Сумо роботларимиз ҳам бор. Бугунги мусобақада мана бу роботимиз учинчи ўринни олди. Биринчи ўринни олиши мумкин эди. Фақат қувватда бироз муаммога дуч келдик. Кейинчалик бунини тўғрилайми.

— Зудлик билан Самарқандга боришингиз зарур бўлиб қолди, самолётлар бор, лекин уни ҳаммининг ҳам чўнтаги кўтармаслиги мумкин. Магнитли поезд эса ҳам тез, ҳам арзон, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти 2-курс талабаси Абдулазиз Ботиров.

— Магнитли поезд бошқа поездларга

қараганда энергияни кам сарфлайди. Магнитнинг иккита плюс ва минус томони бор. Бирини ўзига тортса, иккинчи узоқлаштиради. Поезд мана шу жараён натижасида ҳаракатга келади. Бу усул ҳозирда Хитой ва Кореяда йўлга қўйилган ва ўз иштини муваффақиятли амалга оширмакда. Унинг тезлиги соатига 600 км атрофида бўлиши мумкин. Шунингдек, унга энергия тежовчи ускуналар ҳам қўйилган ва сарфланган 100 фоиз қувватни 60 фоизини ҳаракат вақтида қайта йиғиб олади. Бунинг тадбирга олиб келган макетимда мазкур жараёнларни илтирозчиларга кўрсатиб бердим.

Шунингдек, темир йўл четидоғи симёғочларга махсус датчиклар ўрнатдим. Ҳаракат бўлса, уни аниқлаб сигнал беради ва чироклар ёнади. Ҳаракат йўқ вақтда эса чироклар ўчирилади. Бу ҳам энергия тежашга хизмат қилади. Бундан ташқари, ундан бошқа соҳаларда ҳам фойдаланиш мумкин. Робототехника, дастурлар яратиш, умуман, ушбу йўналишда иқтидорлилар ўзбекистонда кам эмас, жуда ҳам кўп. Фақат улар билан ҳамкорликда, тушуниб ишлаш зарур. Ҳозирги вақтда энг катта маблағлардан бири мана шу йўналишда эканлигини дунё кўрсатмоқда. Япония, Корея ва Хитойнинг робототехника йўналишидаги университетларининг банкдаги миллионлаб маблағлари айнан мана шундай ихтиролар, янгилликлар, роботларни яратиш, сотиш азияти келиб тушган. Биргина Хитой бу маблағлардан қандайдир мавқега эришганини кўриб турибми.

Шахбоз САИДОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## АКС-САДО

Мен «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳлиси сифатида уни мунтазам ўқиб бораман. Газета мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ўнгилишига, аҳоли маънавиятини юксалтиришга қаратилган таҳлилий мақолалари билан ажралиб туради. Жамиятимизда эришилган ютуқларни ёритиш билан бирга энг оғирлиқ нукталарни ҳам четлаб ўтмайди. Ҳозир йўқ нарсани бўрттириб, камчилиқни хаслўшлайдиган матбуотнинг даври ўтди. Одамларни ширин ёлгонлар билан «боқадиган» газеталар аста-секин назардан қолаётганини кўриб турибми.

## Ҳақиқатнинг юзига тик боқайлик

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2018 йил 1 ноябрда чоп этилган Самарқанд давлат университети профессори Фарҳод Набиев ва доцент Мардон Болтаевларнинг «Илтимослар ёки илтимосларнинг ҳақиқатидан» номли мақоласи эълон қилинган эди. Аввало, ушбу мақоланинг сарлавҳаси диққатимни тортиди. Уни ўқиб чиқиб, гап нима ҳақида кетаётганини тушундим. Муаллифлар ўта дозарб масалани кўтарган ва кундалик ҳаётимизда одат тусига юриб қолган турли хил «илтимосларнинг салбий оқибатларини асосли далиллар билан кўрсатиб берган.

Ушбу мақола Самарқанд иқтисодий ва сервис институтининг навабдаги маънавият соатида домлалар ва талабалар ўртасида кенг муҳокама қилинди. «Илтимос» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, у луғавий «ўтин», илтимос, афв, кечириб» маъноларини англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига ушбу тушунама мударси (мақсад, истакни) қондириш ҳақида қилинган муҳокама, сўраш ёки талабни қайд этуви муражаат шакли сифатида изоҳ қилинган. Бундан қўриб турибдики, аслида илтимоснинг ҳеч ҳам иллатла дахли йўқ.

Аммо инсон битта илтимос орқали яхши нарсаларни ўз манфаатига мослаб ёмон қилиб юбориши ва мос равишда ёмон нарсаларни яхшилаб олиш қудратига ҳам эга. Одамда иймон-этиқод суяк бўлса, унинг бари ҳаракатлари ўз манфаатини қондиришга қаратилган бўлади. Бундай гаразли мақсад маънавиятга путр етказди.

Мақолада қайд этилганидек, илтимос ҳаётимизнинг барча жаҳонларига қамраб олган бўлиб, одамларнинг муносабатларида кенг қўлланиб келинмоқда. Биз ушбу тушунақнинг таълим соҳасидаги қўриқиб эълитиб қаратмоқчимиз, холос.

Мақолада ота-оналар, «тоғалар» томонидан боласи ёки жиянига баҳо қўйириш учун қилинадиган илтимоснинг келажакда натижаси салбий оқибатларни олиб келиши, яъни «баҳо» қўйириш тарқатишга тўсиқ бўлиши хусусида етарлича фикрлар айтилган. Энг ёмони, ушбу ота-она, «тоғалар» ҳам боласи ёки жиянининг ўқиш учун эмас, балки билмагани, боз устига ўймаганлигини рағбатлантириб, домлалардан баҳосини қўйиб беришни илтимос қилишди. Ҳатто бунинг учун домлани рағбатлантиришга ҳам тайёр. Шу тўғрисида бунга баътафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Лекин менинг ҳам ота-оналар ва «тоғаларга илтимосим бор: «Оғайнлар, илтимос, энди фарзандларимизга баҳо қўйинг, деб эмас, болани яхши ўқитинг, билмагунча баҳо қўйманг, деб илтимос қилмайлик». Нохили илтимосини кўп салбий оқибатлари бор. Бунда биринчидан, талабалар билиминини баҳолашда адолат меъзоини бузилади. Ўқиш иштиёқига юрган талабалар ҳам баҳосини ўқимасдан олиш мумкин экан-ку, деган фикрга келади ва ўқимасдан қўлади.

Иккинчидан, бу салбий ҳолат ёшлар онгига ноҳақлик, адолатсизликка қўнимма ҳосил қилади. Ҳар бир илтимос ўз ўрнида, адолат нўддан-назаридан ишлатилса ва қўлланилса, бу албатта муваффақиятга йўл очади, муҳит соғлом бўлади.

Янгиланган жамиятимизда бу каби иллатлардан батамом воз келишимиз ва бир-биримизни аниқ бўлса ҳам, ҳақиқатни айтиш, ҳақиқатнинг юзига тик қарашимиз лозим бўлади.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,  
Самарқанд иқтисодий ва сервис институти профессори,  
иқтисод фанлари доктори.

# Болам...

## СЎНГИ ПУШАЙМОН...

Бугун ишдан сўнг, жўралар билан улфатчиликни роса жойига қўйиб, кайфи чоғдан-чоғ бўлиб, билган-билмаган қўшиғини ўзича секин хиргойи қилиб, талтайиб, бир-бир босиб, шоммасдан уйга қайтаётган Юсуфбой йўл бўйидаги болалар бочғаси ёнидан ўта туриб, шодон қийқириб, югуриб чиқиб, ўзини ота-оналар бағрига атаётган болаларни кўриб, бирдан тақа-тақ тўхтаб, уларга қараган қуйи туриб қолди.

Жажжи ўғил-қизларнинг «дадажон, ота-жон, аяжон» деган қувончли чорловлари қўлдан қириб, кўнглига санчилиди. Қанча турди, билмайди, кайфи тороқ бўлди, тиг бўлиб юрагини тилиб ўтган биргина сўзи «Бола...а...а...!» бўлди...

«Ух» торта-торта, орқат қайтиб тез-тез юриб борар манзили қўшни маҳалладаки, бундан етти йил бурун ўзи қувв бўлиб сузилмиш уй бўлди. Уша уйга яқинлашган сари оёқлари судралиб, қуввати кетар бўлди. Дилида бот-бот тақорланмиш «Болам-болам» сўзи собиқ қайнона-қайнонаси эшиги томон етакларди, манзилга етиб, қўли қалтираб, эшикни секин-аста урар бўлди. Олтиминчи қораланиш қайнонаси «Ким?», деб эшикни қия очиб, анча вақтдан буён

қорасини кўрсатмаган собиқ қуввни кўриб, хайрондан-хайрон бўлди. Секингина ийманиб айтган гапи «Келинг болам, келинг... сизга ким керак?», бўлди.

Юсуфбойнинг бир дам тили лол бўлди, «Болам, Юнусжон...», деди, сўнг «Бир кўрай, майлими», дея қўз ёши шашқатор бўлди.

Бунинг қўриган қайнонанинг ҳам кўнгли бузилмиш бўлди, лабини тишлаб-тишлаб, оҳиста айтари «Юнусжон аяси билан кетган-ку», демим бир гап бўлди. Юсуфбойнинг бўғиздан «А...а...» деган товуш чиқиб, сўнг анграйиб, жон ҳолатда сурагани «қаёқда, нега кетди?», деган савол бўлди. Мулоқимдан-мулоқим қайнонаси, «Наволож тақдир экан, Ойимхолни турмушга бердик, эри билан келиб, болани олиб кетди», деган бўлди. Юсуфбой бир бузарди, бир гезарди. Сўнг собиқ қайнонасига қараб мўлтиради, «манзилини айтинг, болам... боланимиз бир кўрай!», деди.

Қайнонанинг гапидан боласи аяси Ойимхол ва унинг турмуш ўртоғи билан ўзга юртга доимий яшашга кетгани аён бўлди. Юсуфбойнинг алами опти, ситими саккиз бўлди. Бола соғинчи-изтироб кўнглини ёмондан-ёмон қуйдира бўлди.

Ғамнинг юки оғирдан-оғир бўлди, мунга қўйиб туриб қолган Юсуфбой бирдан ўзини кичрайиб, қариб қолгандай сездди, энтиқиб-ютоқиб нафас олар бўлди. Ўзини ўглининг ўрнига қўйиб қўрди, «Болам бугун кимга

сизинди, кимнинг қўзига мўлтираб қараб турибди?», деган савол қўқайини куйдираб бўлди.

Тополмай бир чора-илож уйига қараб судралиб борар Юсуфбой уй суриб, охири марта боласини қачон қўриганини эслар бўлди, унда ҳали Юнусжон энди-гина беш ёшга қадам қўйган бўлиб, шўҳдан-шўҳ, ширин бир бола эди. Орадан уч йил ўтибди...

Яна, ёдига келгани, аччиқ устида хотини Ойимхолнинг «жавобини» бериб, уйдан ҳайдаб чиқарганда, боласи «дада-да-да», дея йилғай-йилғай онасига эргашиб кетгани, кейинчалик ота-онаси, маҳаллақул, суд яраштириш учун қўл урингани-ю, уларга «хаёт меники, ўзим билманман», деган нодон, худбин жавоби бўлди.

Юсуфбойнинг фигони фалак бўлди, жажжим чиққанда шу ақлим қайда эди, мен ҳали «бургага аччиқ қилиб, ўз кўрпамни ёқдимми», деб қўқси ёнди, «энди болам бегона уйда, бошқа бировни ота, деб ўсарми?» — дея бағрини тузлар бўлди.

Жўяли бирон-бир сабабсиз хотинини ҳайдаб, ўзини боласидан, боласини ўзидан айирганига мингдан-миг пушаймон еб, соғинчу-аламдан хўрлиги келиб, ўзини айблаб, бўзлар бўлди. **Сабр нима билмайди, жаҳл отин ўзгитган, Меҳр нима билмайди, ўз бахтини тўғитган, Илгин тортиқчириб сенди, бу кун ўзи юн ютган, Сени уйдан қувмайди, отанга ўлсин, боламо...**

Холмумин ЁДГОРОВ.

# 520 минг кишининг пенсияси қайта ҳисобланди

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда 2019 йилга белгиланган асосий вазифалар мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

— Утган йили тизимда бўлган ўзгаришлар Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси билан болдиқдир. — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси иккунчи директори Ёркин Турсунов. — Жамғарманинг 2018 йилги аниқланган даромадлари проноз кўрсатишни 24 057,1 миллилар сўми ташкил этди. Шунингдек, пенсия ва ижтимоий нафақа тўловлари ўз муддатда молиялаштирилиб, тўлиқ тўланиши таъминланди. Мисол учун утган йил 330,5 минг нафар фуқарога пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинланган бўлса, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига асосан пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 3 485,9 минг нафарга етган.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январь ҳолати бўйича 65 ёш ва ундан ошган ҳамда 2010 йилга қадар пенсия тайин-

ланган фуқароларни пенсиясида аниқ-ланган ортиқча тўловлар қардорликларига ҳисобдан чиқарилди ҳамда Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 июлдаги ҳамда 2018 йил 13 октябрдаги фармонларига асосан утган йилнинг 15 июлидан ва 1 ноябрдан пенсия ва нафақаларнинг миқдорлари мос равишда 7 фоизга ва 10 фоизга оширилиши таъминланди. Шу билан бирга, пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ўртача иш ҳақининг энг юқори миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг саввиз баробаридан ўн баробарига оширилиши ҳисобига 2019 йил 1 январдан 520 мингга яқин фуқаронинг пенсия миқдори қайта ҳисобланди.

Жамғарма томонидан пенсия ва нафақа тўлови ведомостларини Халқ банки ва тижорат банкларига фақат электрон шаклда юбориш тизими жорий этилган. Шунингдек, пенсия ва нафақа тўловлари муддатда тўтри амалга оширилгани ҳам-

да фуқароларга пенсия миқдори ва тўлов кўчи ҳақида маълумот олиш имкониятини яратиш мақсадида «on-line» тарзида жорий қилинган. Бегул «SMS-pensiya» интерактив хизматига 1,9 миллион нафардан ортиқ фуқаронинг мобил телефонларини уланган. Қораверса, «Пенсия» дастури билан «Электрон ҳуқумат» ахборот тизимини ўзаро электрон боғлаш натижасида фуқароларнинг паспорт маълумотлари автоматик тарзда юклатилиши, шунингдек, бола туилганда ва дафн маросимини учун нафақаларни тайинлашда маълумотларни ФХДЭ ахборот тизими маълумотлари билан аэлектрон шаклда солиштириш механизми йўлга қўйилди.

Шунингдек, тадбирда жорий йилда жамғарма олдига давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, ҳудудларда пенсия ва нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш жараёнида коррупция ҳолатларини аниқлаш мақсадида «Сирли мижоз» тизимини жорий қилиш, фуқароларнинг нафақа ёшини белгилаш бўйича тақдим этилган тақлифлар бўйича ишларни давом эттириш тўғрисида маълумотлар берилди. Журналистларни юзқитирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзини ўзи идора қилишда гап кўп. Бунга иродаси етмаган одамдан раҳбар чиқмайди.

# «Давлат хизматчисига аввало



## ЭЪТИҚОД КЕРАК

### Бу эътиқод қаерда, қандай шаклланади?

– Мамлакат раҳбари Олий Мажлиса Мурожаатнома йўллаётган пайтда ўзини энг кўп ўйлантирадиган масалалардан бири кадрлар масаласи эканини таъкидлади. Бутун бир давлатда бундай тақчиллик содир бўлишининг асосий сабаблари нимада, деб ўйлайсиз?

– Раҳбарни тайёрлаш, раҳбарни етиштириш – аначо нозик ва мураккаб масала. Бунинг мураккаблигини тушуниш учун шўро давридаги кадрлар сиёсатини бироз эслашимизга тўғри келади. Азалдан ким ишбилармон бўлса, ким тадбирли бўлса, булар ўзига тўқ одамлар бўлган. Улар фақат ўзинигина эмас, балки муайян ҳудудни бошқарган, иқтисодий ҳаётнинг жонланшига ижобий таъсир кўрсатган. Аммо ўша биз айтган замонда тадбирли одамларнинг аксарияти «қулоқ» қилинган. Бирор-бир лавозимга раҳбар қўйилган бўлса, биринчи навбатда унинг «биографиясига» қаралган. Яъни, лавозимга тайинлашда келиб-чиқishi ишчи-деҳқон бўлган кишиларга устуворлик берилган.

Бу нимага олиб келган? Шўро даврининг дастлабки пайтларида мансбдорлар «қўлда» етиштирилган. Раҳбарлик салоҳияти, кўникмаси бор, аммо ишчи-деҳқон оиласидан чиқмаган бўлса, бундай одамни лавозимга тайинлашда муаммо тутилган.

Энг қизиқ, шўро даврининг бошқарув сирлари билан таниш бўлганлар бундай сиёсатнинг асоратлари ҳозиргача сақланиб қолганлигини осонгина пайқайди. Кўплаб раҳбарлар билан мулоқот жараёнида синчиклаб кузатадиган бўлсангиз, гарчи ўзи лавозимда бўлишига қарамасдан, ўзидан юқорида турувчи ҳокимиятга нисбатан яширин ёки ошқора кўркунви сезасиз. Ёки бўлмасам, ҳудудларга чиққанда маҳаллалар, қишлоқларга бориб, ҳар қандай мавзуда ташкил этилган йиғилишда иштирок этган пайтда кузатиб, одамларнинг кўзига қаранг, уларда ҳам қандайдир ҳадик аломатларини сезасиз. Назаринда, бу ҳадик ўша қатагон даврдан қолдирилган. Давлат номидан гапирган кишидан кўпчилик чўчиб туради. Шўро замонида амалга оширилган қатагон, қувани, қузатув, чақув, тўхматлар ваҳшатидан одамлар, халқ тили билан айтганда, «кўлариди ўтинни олдириган». Ўз фикрини эркин ифода эта олмайдиган раҳбарнинг хатти-ҳаракатида, бажараётган ишида пала-партишлик кўринадиган бўлса, ҳайрон бўлманг. Бунинг жавобини ўша кадрнинг тарихидан изланг, уни ким, қаерда, қайси методлар билан тайёрлагани қаранг.

Келиб чиқшидан қатъи назар, ҳатто генетик қоди заиф бўлса ҳам, изчиллик билан ўқитилсан, керакли билмлар берилса, ҳар қандай одамдан раҳбар тайёрлаш мумкин. Эски тизимда бунинг маъносига етишган, лекин ўз навбатида, салоҳияти факултетда юқори, етакчилиги яққол кўзга ташланган кадрлар, айниқса, миллий тарихи, маданияти, анъаналарини чуқур билган кишилар тизим учун хавфли ҳисобланган ва улар йўлдан олинган. Тадбиркорлар ўша даврда ҳам яхши яшашган, аммо уларнинг кўпчилиги расмий идоралардан, сиёсий лавозимлардан четда юришга мажбур бўлишган. Бу – масаланинг биринчи тарафи.

Иккинчи тарафи – давлат бошқаруви йўналишида фундаментал, профессионал таълим берадиган, бакалавр даражаси олинмаган олий ўқув юрти илгари бўлмаган... ҳозир ҳам йўқ. Бу йўналишда махсус факультетлар етакчи давлатларда, жумладан, Фарбдаги етакчи университетларда мавжуд. Давлат хизмати бўйича Public Service ёки Public Management, Давлат сиёсати бўйича Public Policy, Ижтимоий сиёсат бўйича Social Policy, деб номланган бакалавр ва магистратура дастурлари бор.

Масалан, ёш талаба ижтимоий соҳада бошқарув бўйича тўрт йиллик бакалавр таълимини олади. У таълим ёки тиббиётга маблаг қай тариха ажратилишини, тизим молияси, ҳисоб-китоби, кадрларни бошқариш сирларини ўқиб-ўрганади. Бу нарсаларни фундаментал даражада ўргангани учун у бакалавр ёки магистр даражасини олади ва ўқиниши битириши билан тизимда ишлаб кета олади.

Бизда шўро даврида ҳам бундай тизимлар яратилмаган. У даврда раҳбарга қўйилмаган асосий талаб мафқуран пухта билиш ва унга содиқлик билан ўлчанган. Хулоса шуки, биз бугуннинг талабидан келиб чиқадиган бўлсак, давлат хизматчиларига шў йўналишда фундаментал таълим берилиши керак.

– Истиқболли ёш кадрлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш, уларнинг касбий ривожланиши бўйича мониторинг

ўрнатилган ҳамда ушбу кадрларни тавсия этиш сиз раҳбарлик қилаётган институтнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу – аначо маъсулиятли масала. Мазкур жараён қандай ташкил этиляпти? Ҳозирдан натижалар ҳақида гапириш мумкинми?

– Биз жойларда ёшлар масалалари бўйича «тўртлиқ» билан суҳбатлар ўтказамиз. Яъни, ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, ички ишлар бўлими, маҳалла раисининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари ҳамда Ёшлар иттифоқининг ҳудудий бўлинулари раҳбарлари ва ходимлари ўртасида сўров ўтказилади. Биласизми, ушбу ташкилотларда ишлаётган ёш кадрларнинг аксарияти миллий гоа, педагогика, филология, тарих йўналишларини битирган бўлиб чиқади. Бундай кадрларнинг асосий хусусияти шундаки, улар ижтимоий йўналишда ўқинганликлари туфайли ижтимоий муносабатларни яхшироқ тушунишади, кўпинча улар яхши ишроқи, ҳокимият қўяётган вазифаларни самарали бажаради. Маълумки, ижро ҳокимиятининг кучи ижронинг самарасига боғлиқ. Шундай қилиб, тарих ўқитувчиси ёки филолог ёхуд журналист ҳокимият тизимига келиб қолади. Бошқа илмий йўқ давлат хизмати бўйича фундаментал таълим берадиган олий ўқув юрти ёки факультетлар бўлмаса, маҳаллий ҳокимиятлар ўзига керак кадрларни турли соҳалардан тўплашга, қидириб топиш, саралашга мажбур.

Бир пайтлар бошқарув кадрларнинг кўпчилиги Тошкент халқ ҳўжалиги институти битирувчилари орасидан танланган. Халқ ҳўжалиги сертармок бўлганлиги туфайли иқтисодиётни тушуниган кадр кўп соҳада ишлаб кета олишига ишонч бўлган. Лекин бугун давлат идоралари, соҳа ва тармоқлар анча кенгайиб кетди. Уларни кадрлар билан таъминлаш учун махсус ўқув дастурлар асосида таълим берадиган ўқув юртлари керак.

Агар республика бўйича лавозимларнинг сонини ҳисоблаб, Президент Академияси ёки шу Академия қошидаги бизнинг институт, яъни Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига кирадиганларнинг сони билан солиштирсангиз, ўртада жуда катта тафовут келиб чиқади. Айнан кадрларни тайёрлаш масаласини ҳал этиш мақсадида жойларда Президент Академиясининг филиаллари очилди, давлат бошқаруви борасида замонавий дастурлар вилоятларга кириб бормоқда. Бизнинг институт бўйича Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ижроия қўмитаси қарор қабул қилди, бешта филиал очил бўйича ташкилий ишлар олиб бориладими.

Давлат хизматчиси давлатчилик тафаккурига эга бўлиши керак, яъни давлатнинг тараққиёт стратегиясини, соддароқ айтганда, халқ кўзлаган манзилини аниқ тасаввур қилиши керак. Давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифани фрагментар тарзда, яъни кўр-кўрона эмас, балки мамлакат миқёсида талқин қила олиши, тўлақонли тафаккур эга олиши жуда муҳим. Акс ҳолда, давлатчилик тафаккури носоглом, тасодифий раҳбарлардан ҳар доим халқ азият чекади. Бунақар қаердан келиб қолади? Уларни мафқураси бузуқ одамлар олиб келади. Тўғрими?.. Бу қандай бўлади? Битта носоглом тафаккури раҳбар ўз манфаати йўлида хизмат қиладиган одамни ёнига олади. Бунақа кишилар аввало ўзини давлат хизматчиси сифатида ҳис қилмаган бўлади.

Давлат хизматчиси маъсулиятини ҳис қилиш дегани – мен халқнинг энг қуйи қатлами турмуш даражасида яшашга розиман», дегани. Раҳбар бўлган, давлат унга ижтимоий-сиёсий

изланиш талаб этади, сараланганларни қисқа муддат бўлса ҳам ўқитиб, уларга ишониб, вазифа бериш керак ва бир муддат йўналтириш керак. Бизнинг институтда битирувчиларни лавозимларга тавсия этиш жараёни қандай бўлади? Турли тизимлар, вазирилик-идоралар, ижро ҳокимияти тизими, фуқаролик институтларига истиқболли ёшлар ҳақида маълумотлар акс этган умумий тавсиялар берилади.

Баъзида шундай бўладики, айрим ёшлар «биз келажакда қаерда ишлаймиз, қаерга тавсия қиласизлар», деб сўрайди. Лавозимга интилишни тўғри қабул қилиш керак, ёшларда етакчиликка интилиш, максимализм бўлиши табиий. Баъзида тингловчиларни ўрганган психологлар берган хулосага қўра, айнан лавозим сўраганлар орасида раҳбарликка тайёр бўлмаганлари кўп учрайди. Бундай пайтда тингловчиларга лавозимга интилишининг сабаблари ва оқибатлари, «мансбдорлик шираси», унинг салбий оқибатларини, давлат хизматчисининг шаффофлиги талабларини тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Бу жуда мураккаб масала, аммо у фақат ва фақат ёшларнинг шахсиятини шакллантириш билан ҳал этилиши мумкин.

Мана, ҳозир «Ўзини ўзи бошқариш», деб номланган кўлланма устида ишляяпмиз. Ўзини ўзи идора қилишда гап кўп. Бунга иродаси етмаган одамдан раҳбар чиқмайди.

– Чет элда ўқиб, нуфузли ташкилотларда ишлаб юрган мутахассислар юртимизга қайтиб келаётгани қувонарли, албатта. Ўзбекистонда соҳалардаги ҳолат, реал вазият ўзига хос. Бошқа муҳимда ўқиб, ишлашга ўрганган ёшларнинг мослашиш жараёни уларга қийинчилик туғдирмайдими? Эмин-эркин ишлашга, ўзини намоян қилишга салбий таъсир кўрсатиши, кўншли соҳутиши мумкин бўлган ҳар хил ҳолатларни назарда тутялман...

– Хориждан келган бу ердаги меъёрларни қабул қилиш, ёки халқаро меъёрларга мос бўлган тизимда ишлаши керак. Масалан, Европа, Америка ёхуд ривожланган Осиё мамлакатлари тобора пасайиб бормоқда. Халқаро менежментни ривожлантириш институти, Халқаро Вестминстр ёки Индх университетига келиб ишласа, у қийналмайди. Ривожланган мамлакатда ўқиб, тажриба орттирган шифокор бирор-бир илгор хусусий клиникага келиб ишласа, у ҳам қийналмайди.

Демак, олдимизда соҳаларга халқаро меъёрларни босқичма-босқич жорий қилиш вазифаси турибди. Бирдангина буни амалга ошириш қийин, албатта, лекин аста-секин шунга боришимиз керак. Ҳозир Инновацион ривожланиш вазиригада АҚШда илмий фаолият олиб борган олим ваизир, у ерда дунёнинг кўплаб нуфузли ўқув юртларига илмий даража олган йигитлар яхши ишляяпти. Бошлангич билимини Ўзбекистонда олиб, хорижда уни мустаҳкамлаган ёшлар қайтиб келиб мослашишга қийналмайди, чунки уларда миллий ўзлик ёшлигидан ўз ватанида шаклланган бўлади.

Албатта, бизда Европа ёки Америкадаги деф инфратузилма, хизматлар ва тушуналлар бўлмагани мумкин. Масалан, бу ерда Starbucksга ўхшаган тармоқлар кўп эмасдир, лекин Ўзбекистонда уларнинг ўрнини боса оладиган, дунёнинг бошқа ҳудудларига топилмайдиган яхши нарсаларни бемалол топса бўлади. Бирок қадриятлар масаласи аначо нозик. Улар чет элда ўрганган кўникмаларини бу ерда бироз ўзгартиришга мажбур бўлади, чунки биз аънавий жамиятмиз, шарқона маромишимиз бор.

Хориждан қайтиб келган мутахассисларнинг афзал, устун хусусиятлари бўлишини эсдан чиқармаслик керак. Нима учун, денг. Чунки уларни ватан соғинчи аначо тоблаб қўяди. Мана, яқинда Президентини Германияда, ўтган йили Америкада ватандошлар билан учрашди. Чет элдаги ҳамюртларимиз бу воқеаларни ижтимоий тармоқларда хурсандчилик билан, қизгин муҳокима қилляпти, ўзгарши ва янгиликларни қўллаб-қувватловчи фикрлар билдириляпти. Шу маънода хориждаги юртдошларимизнинг мафқураси эътиборда қолиб, шу халқ вақили дунёнинг қаерида бўлмасини, унинг генетик қодида ётган анъана ва қадриятларимиз ўзигини намоян қилади. Одам дунёни кўргани, анлагани сари ички маънавияти ҳам юксалиб, руҳияти тозашиб бораверади. Бундай кишилар Ўзбекистонга қайтиб ишласа, тах-

лан боғлиқ ҳолатлар салбий таъсир қилиши, масалан, хориждан келган мутахассис эски қўллардан, янгиликка хушламай қараладиган муносабатдан, кўролмасликдан азият чекиши мумкин. Ёшларни бошқа юртларга тортадиган асосий омиллар орасида эркин ҳаёт ва моддийлик устуворлик қилади. Уларни ортга қайтариш учун хориждагидек бўлмаса ҳам, у ёқдагидан унча кам бўлмаган шароит қилиб беришимиз керак. Агар бошқа субъектив, жумладан, инсон омили билан, эскича қарашлар билан боғлиқ омиллар салбий таъсир қилмаса, хориждан қайтиб келган мутахассислар барибир ўзгартириш қиритади.

Аммо хориждан қайтаётганларни ҳам бир тўлқинга қийласа бўлади, бу тўлқин мамлакатда рўй бераётган ўзгаришлардан руҳланган ҳолда қайтмоқда – уни сақлаб қолиш албатта ўзимизнинг қўлимизда. Агар уларнинг ҳафсаласи пир бўладиган бўлса, қанақа лавозим берсак ҳам «қайтмас муҳожир»лар ҳолида яна хорижга кетишларга ҳеч гап эмас.

– Турли соҳаларда раҳбарларнинг алмашигани ёки бир идорадан бошқа идорага ўтгани ҳақидаги ахборотларни қунда бўлмасаям, қунора эшитамиз. Бунинг сабаблари нимада? Бу ўзгаришлар илжосизликдан қилинади-ми?

– Давлат бошқаруви — бутун дунёда ёпиқ тизим. Бозор тизими эса очик, Бу тизимда тасодифий раҳбар бўлмайди. Бу нима дегани?.. Масалан, хусусий тўқимачилик корхонасиз бор. Сиз у ерда менежерни етти эмас, етмиш марта ўлчаб, кейин қўясиз. Ҳар бир тасодифий кадр ортинча харажат, ортинча оворагарчилик, дегани. Давлатнинг ишига, бюджетдан маош олинмадиган фаолиятга ҳам шундай муносабатда бўлиниши зарур. Афсуски, ҳар доим ҳам бундай бўлмайди.

Лекин ўтиш даврида ёки кучли исплохотлар пайтида кадрлар алмашинуви — табиий жараён. Бу, шунингдек, давлатнинг олий бошқаруви ўзгар-

тиришнинг табиий жараёни бўлиши керак. Ўнчакчилик ўтган асрнинг сўнгги чорагида ўз вилоятларини ривожлантиришни Фарбда ўқиган, тажриба ва бойлик орттирган асли хитойлик бўлган инвесторлар зиммасига юклаган. Уларнинг катта пул ишлашдан чўчигани йўқ. Натига эса бу давлатнинг глобал миқёсдаги ҳозирги иқтисодий ҳайбатидан кўриниб турибди.

Ортимизга инвестициялар, инновациялар кириб келиши турли омилларга боғлиқ. Энг муҳими шуки, бизнинг халқ тафаккур қиладиган халқ, янгиликка мойил, янгиликни ҳазм қиладиган, технологияни тез ўзлаштирадиган халқ. Шунинг учун илгор тараққиёт билан халқимиз ўртасида боғловчи бўладиган етук кадрлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. Агар хориждан қайтиб келган мутахассисга лавозим бериб, кейин қўлимиз билан унинг йўлини бўғсак, эртага улар ҳеч нарса қила олмаслиги мумкин. Ўларга имкон, вақт бериш керак. Саволга хулоса шу – кадрлар алмашинуви табиий, бозор муносабатларини эркинлаштира олсак, бир кун ўзининг йўлига тушадиган жараён.

– Катта ишонч билдирилиб, юқори лавозимларга тайинланган айрим раҳбарлар ўзини номуносиб тутаятган, хусусан, катта миқдордаги паралар билан қўлга тушайтган ҳолатлар учраб турибди. Раҳбар кишининг, қўлолқай айтганда, бузилишига қандай омиллар таъсир қилади?

– Тезлик билан бозор муносабатларини ривожлантиришимиз, давлат ўз маъсулиятидаги жуда кўп ваколатларни бозор тизимларига бериши керак. Яъни, давлат бошқарувчилардан кўра кўпроқ мувофиқлаштирувчилик вазифасини сақлаб қолиши зарур. Бошқача айтганда, давлатнинг мумтоз вазифалари бор, давлатга шуларнинг ўзи етади.

Иқтисодиёт бозор қонунлари асосида ривожланиши зарур. Кўпинча тингловчиларга айтаманки, ҳокимлар фақат очилиш маросимига «лента»

## Бугун Европага бориб, почта, темир ва ҳаво йўллари сингари соҳаларни давлат тасарруфига ўтказасан бўладими, деб сўрасангиз, «бу одам ақлдан озибди», деб айтишади.

ган даврга ҳам хос ҳодиса. Ҳозир АҚШда, Буюк Британия ёки Францияда шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин бўляпти.

Анъанавий бошқарув усули, яъни маъмурий усул энди ўтмайди. Ҳозирги пайтда ташқи иқтисодий алоқалар хом-ашё ёки маҳсулотларни анъанавий усулда олди-сотиб билан амалга ошириш қийинлашган. Халқаро савдо ишлаб чиқариш билан молиявий ҳамда рақамлашган амалиётларнинг мураккаб уйғунлашуви шаклида амалга ошмоқда. Бугунги кунда давлатнинг савдо айланмаси рақамли иқтисодиётни қанчалик қўллаши билан белгиланмоқда. Бу жараёни бошқариш уёқда турсин, уни тушуниш ёки тушунтиришнинг ўзи мураккаб. Ривожланган мамлакатларда барча тизимлар рақамли тизимларга ўтказилмоқда, савдо-сотиқдан тортиб, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш ва ҳоказо. Барча соҳалар бошидан охиригача рақамлаштирилмоқда. Бундай вазиятда ишлаб чиқаришдан тортиб, бошқарувга глобал рақамли тизимларга мослашимиз талаб этиляди.

Бу йўналишда ортда қолган давлатнинг ривожланган мамлакатлар билан алоқаларида жиддий ўзгиришлар бўлади. Ҳозир анъанавий бошқарув усули билан глобал бошқарув усули ўртасидаги масофа йил сайин, ой сайин эмас, ҳафта, ҳатто соат сайин ўзоқлашиб борапти. Бугун ҳар бир раҳбар бу масалани нақадар долзарб ва жиддий эканини идрок қила олиши керак. Нафақат англаш, шу билан бирга, янги кўникмаларни таътиб қила билиши лозим. Кадрларнинг тез-тез алмашинуви соҳалар глобал ўзгаришларга ҳамроҳан тарзда юра оляптими-йўқми, деган саволга жавоб билан белгиланади.

Кадрлар ўзгаришининг бошқа жиҳатлари ҳам бор, албатта. Яъни, давлат хизматчиси давлат сиёсатини тўғри талқин қила олиши, ишонч билдириши ўта муҳим. Ўн нафар кадрдан саккизтаси исплохотни тўғри англаб, тўғри талқин қилган ҳолда ҳаракат қилса, вазифани тортиб кета олади. Икки нафар тасодифий ходим жараёнга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, лекин тўхтатиб қолмайди.

Шунинг учун жаҳондаги глобал ривожланиш қондаларини илғайдиган, янгилик қила оладиган ходимга имконият ва яхши шароит яратишдан чўчиш керак эмас. Хорижда илм олган ёшлар ёрдамида глобал тажрибадан фойдаланишимиз зарур. Уларнинг аксарияти Ўзбекистонга қайтишга рози бўлганидан жуда хурсанд бўлишимиз керак.

Яхши маошни шундоқ ҳам минглаб одамлар ишлайдиган, бюджет ҳисобидан фаолият юритадиган тизимлар олиб ётибди. Тасаввур қилинг, шундай катта тизимлар борки, уларсиз ҳам иқтисодиёт ўзгаришдан тўхтамаслиги мумкин. Балки, аксинча, бюджетга кўпроқ маблаг тушиши мумкин. Ишонасизми, шунақа тизимлар йўқ эмас...

Хитой ўтган асрнинг иккинчи ярмида 30 мингдан ортиқ ёшларни АҚШга ўқишга юборган. Ке-

қирқил учун бориши керак. Яъни, қурилиш бўлишида бўлса, ҳокимиятнинг ўзи кечаю-кундуз бошида туриб қурдириши шарт эмас. «Отан бозор, онанг бозор», деган гап бекорга айтилмаган. Бунинг тағида катта ҳижмат ётибди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида Европа Иттифоқининг етакчи давлатларида почта, темир йўл, ҳаво йўллари каби соҳаларни хусусийлаштириш борасида савол муҳокама қилинганда, баъзи парламента аъзолари бу соҳаларни хусусий секторга топшириш хато эканлигини таъкидлашган. Аслида дастлаб қурилган темир йўллар айнан хусусий капитал ҳисобига барло этилган. Бунга нима сабаб бўлган? Бозорнинг, бозор муносабатларининг салоҳиятини етарли баҳолашмаслик. Бугун Европага бориб, почта, темир ва ҳаво йўллари сингари соҳаларни давлат тасарруфига ўтказасан бўладими, деб сўрасангиз, «бу одам ақлдан озибди», деб айтишади. Тушунтира олдимми?.. Давлат фақат давлатгагина хос бўлган вазифаларни ўзида қолдириши талаб этиляди. Албатта, бу осонлик билан бўладиган иш эмас. Эркин бозор муносабатларини тақозо этадиган вазифалар расмий ваколатлар билан ҳал этиладиган бўлса, давлат тизимлари раҳбарларни атрафида хусусий манфаатлар тўпланади ва ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Аммо бошқа омилларни ҳам эсдан чиқармаслик жоиз. Минг афсуски, манфаатлар тўқнашуви оқибатида ҳали-ҳануз турли бўғиндаги кадрларни ююштириш билан қармоққа тушириш каби нопок йўллар орқали «синдириш» ҳолатлари барҳам топгани йўқ. Мана, яқинда олий таълим тизимида фаолият кўрсатган бир ўқитувчининг суд залидан овоз қилинган ҳақидаги хабарни эшитдик. Судда даъвогарнинг йўқлиги, сохта гувоҳлик берилгани бу ўқитувчининг мураккаб схема билан тузоққа илтиририлганини англади. Бу воқеада энг муҳим жиҳат суднинг одил қарор чиқариб, айбисиз кишини уйига қайтар олгани бўлди. Ўзбекистон ҳўқуқий соҳада адолатни амалга ошираётган мамлакатлар сафига чиқаётгани катта гап...

Биласизми, раҳбар бўлиш учун Президент маърузасини тушунишининг ўзи етмайди, маъруза кенг оммага қаратилган, уни барча эшитишида умумийлиги стратегияни, йўналишларини англади. Раҳбарлар учун эса талаб жиддий: давлат раҳбарининг сиёсатини, унинг юқини ўз зиммасида, лавозими тақозосига қўра ҳис қилишга мажбур. Тушуниш бошқа, амалга оширишда фаол иштирок этиш бутунлай бошқа нарса. Бунинг учун том маънодаги «давлат хизматчиси» эътиқод зарур. Бундай эътиқод қандай шаклланади, уни ким ва қаерда шакллантиради? Бу мураккаб савол ва унга жавоб топа олсак, кадрлар соҳасида муваффақиятга эришимиз.

Тўлқин ТўРАХОНОВ суҳбатлашди.

## Кўплаб раҳбарлар билан мулоқот жараёнида синчиклаб кузатадиган бўлсангиз, гарчи ўзи лавозимда бўлишига қарамасдан, ўзидан юқорида турувчи ҳокимиятга нисбатан яширин ёки ошқора кўркунви сезасиз.

сий мақомни шундоқ ҳам беради ва шунга мос равишда моддий ҳаёти ҳам юқори бўлади. Агар раҳбарнинг моддий ҳаёти оддий халқниқидан кескин фарқ қилса-ю, у ўз ҳудудидаги оддий халқ дастурхони ҳақида қайғурмаса, у раҳбарлик лавозимига лойиқ эмас. Бундай ҳислат фақат тарбия билан, фундаментал билим билан етиштирилади.

Ўйлашимча, кадрлар етишмаслиги, деган тушунчага кенгроқ қараш лозим. Кадрлар кўп, фақат уларни топиш керак. Бу эса мунтазам

либ қилиб, таққослаб, хулосалар чиқара олади. Эҳтимон, бошқа масалага эътиборлироқ бўлишимиз, яъни ўзимиздаги ўқув муассасаларини битириб чиқаётган ёшларимизни асраб қолиш, ушбу ўқув дароҳларининг рейтингини ошириш ҳақида ўйлашимиз керакдир.

Хорижда ўқиган ёшлар билан бундай муаммо камроқ, чунки улар дунё кўради, қийналади. Қайсидир мутахассис бу ерга кўниқолмай, орқадга қайтиб кетибди, деган хабарни мен ҳали эшитмадим. Аммо муҳимдаги бошқа, яъни инсон омили би-

Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси пастлигича қолмоқда.

# Инновацион туризмнинг стратегик йўналишлари

## МУТАХАССИС ФИКРИ

**Бугунги кунда дунё мамлакатларида иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш объектив заруратга айланди. Бу эса ўз навбатида, илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллашни тақозо этади.**



Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтиришга давлат миқёсида аҳамият берилмоқда.

Ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш масаласини ҳал қилишда туристик хизматлар экспорти муҳим аҳамиятга эга. Аммо бугунги кунда туризм соҳасини ривожлантиришда бир қанча камчиликлар мавжуд.

Масалан, иқтисодиётнинг туризм тармоғи билан илмий муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлиги даражаси пастлигича сақланиб қолмоқда. Туризм қўмитаси, вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг инновацион ривожланиш соҳасидаги фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган. Туризм тараққиётини етарли даражада инновацион омиллар эъзига таъминлашда барча имкониятлар ишга солинмапти.

Мамлакат иқтисодиётида, хусусан, туризм соҳасида инновацион иқтисодиётни баҳолашда кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги соҳа тараққиётга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада **Ўзбекистон ҳозиргача нуфузли ва обрўли халқаро тузилмалар томонидан тузилган Глобал инновацион индекс рейтингидеги иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кирита олган эмас.**

2019-2021 йилларда мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегиясида бу соҳадаги камчиликлар аниқ кўрсатилган. Иқтисодиётда, хусусан, унинг таркибий қисми бўлган туризм соҳасидаги камчиликлар қўйидагиларда намоён бўлмоқда:

Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси пастлигича қолмоқда. Уларнинг меҳнатга қобилиятли аҳоли таркибидаги улуши бор-йўғи 1/3 қисмини ташкил қилади. Бошқа ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич 2/3, айримларида 80-85 фоиз. Улар маҳсулот

эмас, балки инновация ва информация (ахборотлар) ишлаб чиқаради. Биз маҳсулотларни экспорт қилиш билан бирга инновацион мулкни ҳам экспорт қилиш даражасига кўтарилишимиз лозим.

Олий таълим муассасалари ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишда мустақил эмас. Ҳозирги пайтда талабаларнинг асосий қисми ўз маблағи ҳисобидан ўқиётган бир паллада, уларни қабул қилиш квотаси юқоридан қатъий белгиланади. Бунинг миқдорини белгилаш олий ўқув юртининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Олий ўқув юрти ўзи ишлаб топган молиявий маблағни тақсимлашни ўзи амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун масъул вазирлик ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик лозим даражада эмас, илмий-тадқиқот муассасалари ва лабораториялар фаолияти лозим даражада мувофиқлаштирилмаган. Бундан ташқари, инновацион гоғлар ва ишланмаларни соҳалар бўйича синаб кўрадиган тажриба майдончалари ҳам ташкил қилинмаган.

Илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш даражаси ўта паст аҳволда. Буни амалга ошириш учун инновацион мулкнинг қиймати ва бозори бўлиши керак. Бозор учун эса талаб ва таклиф шаклланиб бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда бирорта вазирлик ёки ҳўжалик юритувчи субъектлар бизга фалон илмий ишланмалар

керак, деган талаб билан чиқмаяпти. Бу ҳам ҳали илмий ишланмаларни, интеллектуал мулкни тижоратлаштиришда анча қийинчиликларни тулдирди!

Инновацион менежмент соҳасида технологиялар трансферини фаол илгари суриш ва амалга оширишга қодир юқори малакали мутахассислар мавжуд эмас. Бунга сабаб, талабалар ўқишни битириб диплом олади, лекин амалиётни билмасдан ишлаб чиқаришга боради. Шунинг учун ўқиш жараёнида амалий дарсларни бевосита аудиторияда эмас, иш жойларида ўтказиш керак.

Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини оладиган бўлсак, унинг ўзига қарашли меҳмонхонаси, ресторани, туристик фирмаси, айрим тижорат банклари билан бирга ишлаш шартномаси каби талабаларни ўқитишга мўлжалланган тажриба майдончалари бўлиши лозим.

Бугунги кунда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ажратилаётган бюджет маблағлари етарли эмас. Буни давлат бюджети, бошқа фондлар ҳисобидан қўлайтириш билан бирга илмий ишланмаларни жорий қилиш натижасида эришилган самарадорликнинг бир қисmini илмий-тадқиқот муассасаларига (шу жумладан, олий таълим муассасаларига ҳам) ўтказиш механизми ишлаб чиқирилиши лозим.

Илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштириш ҳали-ханазгача самарали ва шафқоф эмас. Бюджетдан ташқари ва хусусий жамғармалар

маблағларини жалб этишни рағбатлантириш механизмлари мавжуд эмас, қарзни молиялаштиришнинг ички манбалари етарли даражада ривожланмаган. Демак, ҳали инновацион иқтисодиётни шакллантиришга бу борада бир қанча ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади. Бунинг учун инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг турли манбалардан молиялаштириш механизmlарини яратиш тақозо қилинади.

Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш лозим даражада эмас. Ушбу соҳада, айниқса, давлат органлари ва ташкилотларида малакали мутахассислар мавжуд эмаслиги ҳам ҳақ гап. Буни баргараф қилиш учун шундай механизм яратилиши керакки, бу жараён икки босқичда амалга ошириладиган бўлсин. Бунда ҳар бир вазирлик ва ҳўжалик юритувчи субъект инновацион ривожланишни таъминлаш учун нималар кераклигини мониторинг қилиб, тегишли вазирликда талаблар тўпланиши лозим. Кейин буларнинг ечимларини ким ҳал қилиши ва унинг аниқ нархи белгиланган бўлиши керак. Шундагина инновацион идрок этадиган малакали мутахассислар ҳар икки томонда ҳам шаклланиб боради.

Қайта тикланувчи ва мўқобил энергия манбалари, иккиламчи ресурсларни энергетик утилизация қилиш соҳаларида инновацион технологияларни жорий этишда қўйиш батареяси ва шамол орқали электр энергиясини ҳосил қилиш масаласига алоҳида аҳамият бериш лозим. Чунки биргина экологик туризмни оладиган бўлсак, чўлларда ва электр энергияси ҳали етиб бормаган тоғли ҳудудларда ташкил қилиниши мумкин. Уларни замонавий хизматлар билан таъминлаш учун албатта мўқобил энергия манбалари бўлиши шарт.

Мамлакатда, айниқса, давлат компанияларида корпоратив муносабатлар ва корпоратив бошқарув принциплари ривожланмаган, бунда хориждаги энг намунали амалиёт инобатга олинмапти. Ушбу камчиликни баргараф қилиш учун кадрларнинг хорижий мамлакатларда малакасини оширишни йўлга қўйиш лозим. У ерда малака ошириб қайтган мутахассис келажакда шу муассаса, корхона ва ташкилотда ўзимизнинг кадрларни ўқитиши лозим бўлади.

Мамлакатнинг ялли ички маҳсулоти ҳажмида ахборот-коммуникация технологиялари секторининг улуши ҳамон камлигича қолмоқда. Ривожланган мамлакатларда мамлакат ЯИИМда ва экспортда ахборотларнинг ва инновацион ишланмаларнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Айрим мамлакатлар (масалан, АКШ, Япония кабилар) иқтисодиётини инновацион ва информация иқтисодиёт мақомини олгани ҳам ҳақиқат.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ўзининг жадал ривожланишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиши ҳар қанонгидан объектив зарурятга айланиб бормоқда.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини профессори, иқтисод фанлари доктори,  
**Обид ПАРДАЕВ,**  
Тошкент молия институтини мустақил тадқиқотчиси.

## ТАДБИР

**«Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти томонидан Президентимизнинг «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши Андижон ва Наманган вилоятлари мисолида матбуот анжумани ўтказилди.**

## Суғурта қопламаларининг ўз вақтида тўлаб берилиши

аҳолининг ишончини оширади



— Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йилда компания ходимлари томонидан аҳоли, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари ўртасида суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий хизматларини тарғиб этиш бўйича учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди, — дейди «Кафолат суғурта компанияси» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Саидолим Насретдинов. — Шунингдек, Савдо-саноат палатаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда ҳудудларда 295 мингга яқин учрашув, семинар ташкил этилди. Натижада 37,2 миллиард сўм суғурта муқофотлари йилгиди.

— Утган йилда фаолиятимизни янада кенгайтириш ҳамда аҳоли ўртасида суғурта маданиятини шакллантириш борасида бир қатор ҳамкор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган учрашув ва семинарлар натижасида 71 195 та шартнома имзоланиб, 7,3 миллиард сўм суғурта муқофотлари йилгиди, ушбу кўрсаткич утган йилга нисбатан 171,8 фоизга ошди, — дейди компаниянинг Андижон вилояти филиали директори Шерзодбек Абдуҷаминов. — Яна шуни айтиш мумкинки, ушбу имзоланган шартномалар бўйича филиал ўз зиммасига 2,3 триллион сўм суғурта жавобгарлигини олган. Бундан ташқари, филиал томонидан 2018 йилда 358,2 миллион сўм суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бу қопламаларни ўз вақтида тўлаб бераётганлигимиздан аҳолининг бизга бўлган ишончи ортиб бормоқда.

— Утган йилда 74934 донга суғурта шартномаси имзоланиб, 4,8 миллиард сўм суғурта муқофотлари тушуми таъминланди, — дейди компаниянинг Наманган вилояти филиали директори Акбар Ғаниев. — Бу 2017 йилга нисбатан 174 фоизга ўсишни таъминлади. Шунингдек, суғурта қопламалари ҳажми 922,0 миллион сўмга тенг бўлди ва булар тадбиркорларнинг мулкий зарари бўйича 405,0 миллион сўм тўлаб берилган бўлса, йўл транспорт ҳодисалари бўйича эса 53 та ҳолатда 221,8 миллион сўм тўланди. Шу билан бирга иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича 2 та ҳолатда 166,0 миллион сўм суғурта қопламалари амалга оширилди.

Бугунги кунда компания аҳоли ва ташкилотларга кенг қўламли суғурта хизматларини тақдим этиш, суғурта хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда суғурта ҳодисалари юз берганда республиканинг исталган жойида ушбу хизматларни тақдим этиш учун ходимлар сонини оптималлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, компаниянинг жойларда 48 та минтақавий тармоғи мавжуд эди. Бугунги кунда жами бўлинмалар сони 216 тага етказилди, 38 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳозирда компания томонидан аҳоли ҳамда юридик шахсларга ҳар томонлама қўлай ва ҳар томоннинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи 100 дан ортиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича хизматлар тақдим этилмоқда.

Шунингдек, тадбирда 2018 йил мубойида компанияга Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) каби дунёнинг нуфузли ташкилотлари вакиллари, бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси экспертлари ва бошқа чет эл ташкилотлари вакиллари таширф буюргани ҳамда компания фаолиятига катта қизиқиш билдиргани тўғрисида маълумотлар берилди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# Қўли эгрининг йўли эгри

## ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Дарахлар шоҳларида, хонадонимиз айвонида, баланд симёғочларда ин қуриб, шу инни ўзига макон деб билган қушларни кўз олдингизга келтиринг. Ин қуриш учун хасни битталаб, лойни тумшугида олиб келади, полапонлар очади. Оғзидаги овқатни ўзи емайди, болаларига беради. Таъбир жоиз бўлса, оиласини кўз қорачигидай асрайди. Унинг таъминоти учун тинмай бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга учиб юради. Полапонларини тажовузлардан ҳимоя қилади. Бепойвон ўрмондаги йиртқич ҳайвонлар, денгизлардаги балиқлар ёки хонадонингиздаги паррандаларни эсланг... Бу ҳолатларни барчамиз кўрганмиз, кузатганмиз.



Инсон зоти қадим-қадимдан оилани муқаддас билиб, уни асраб-авайлаб мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келади. Аждодларимиздан мерос бу эгу фазилатлар асрлар оша яшаб, бугунги ва келажак авлодлар учун муқаддас қадриятга айланган. Одамзод учун энг қимматли анъаналар, яъни ҳалоллик, ростўйлик, шарм-ҳаё, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади. Демакки, ўзбек оиласининг мустаҳкамлиги сири ва

саодати унинг маънавий юксаклигидир, десак хато бўлмайди. Бироқ ораимизда шундай тоифадаги одамлар ҳам борки, улар оила деган муқаддас даргоҳнинг қадрига етмайди, унга лоқайд қарайди. Масалан, пойтахтимизнинг Яшнобод туманида яшовчи Рустам Йўлдошевни (исм-фамилия ўзгартирилган) шундайлардан бири, десак бўлади. Муқаддам ўғриллик ва бошқа жинояти учун икки бор судланган Рустам Йўлдошев ўзига тегишли

хулоса чиқармади. Икки фарзанди бўла туриб, хотини билан ажрашди. Устига-устак, спиртли ичимлик ичиб, собиқ турмуш ўртоғининг уйига телефон қилиб, ҳақоратлашни одат қилди. Бу таъйинлардан икки фарзанд ҳам беэзиб қолди. Аммо Рустам Йўлдошев уларни заррача ўйламайди. Утган йил 19 май куни у собиқ турмуш ўртоғи билан низолашган, ярим тунда «Янгибод иктисослаштирилган бозор» ҳудудига девордан ошиб қиради. Гап шундаки, ушбу бозорда

собиқ турмуш ўртоғи савдо-сотик бўла туриб, хотини билан ажрашди. Устига-устак, спиртли ичимлик ичиб, собиқ турмуш ўртоғининг уйига телефон қилиб, ҳақоратлашни одат қилди. Бу таъйинлардан икки фарзанд ҳам беэзиб қолди. Аммо Рустам Йўлдошев уларни заррача ўйламайди. Утган йил 19 май куни у собиқ турмуш ўртоғи билан низолашган, ярим тунда «Янгибод иктисослаштирилган бозор» ҳудудига девордан ошиб қиради. Гап шундаки, ушбу бозорда

юборганини билдирди. У яна судланди. Оиласидан воз кечиб, фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўйгани етмагандай, уларнинг ҳаловатини бузди. Уларга ризқ бериб турган савдо рastasига ўт қўйди. Қўли эгрининг йўли эгри бўлади, дейишдади. Бугунги кунда у жазонини манзил колонияда ўтамоқда. Бу воқеа кимларгадир аччиқ сабоқ бўлиши керак, деб ўйлаймиз.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

# Судьяликка номзодлар қандай танланади ва тайинланади?

## Судьялар олий мактаби

малакали судьяларни тайёрлаш одил судлов даражасини оширишга хизмат қилади

### ҚАРОР ВА ШАРҲ

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзлаган асосий мақсаддир. Ўтган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва давом этмоқда.



олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни таъминловчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича тайёрлаш жорий этилди.

Судьялар олий мактаби магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланган квоталар бўйича судьялик лавозимлари захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танловдан муваффақиятли ўтгандан сўнг қабул қилинади.

Магистратурага қабул қилинган тингловчилар асосий иш жойи бўйича лавозимдан озоод эти-

ҳамда қўллаш масалаларига доир кўникма ва қўбиланлигини такомиллаштиришга қаратилган икки ҳафтадан кам бўлмаган курсларда малака оширади.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабининг устави, тузилмаси ва бошқарув органлари белгиланди. Ҳусусан, Судьялар олий мактабига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимдан озоод этиладиган директор раҳбарлик қилади ва Судьялар олий мактаби директори лавозими бўйича бир вақтнинг ўзига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади.

Судьялар олий мактабининг махсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси томонидан белгиланган тартибда махсус унвонлар ва мансаб даражалари берилиши белгиланди. Шунингдек, Судьялар олий мактабида ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми сақлаб қолинади ҳамда судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Судьялар олий мактабида ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади.

Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари таъбиқ этилиши белгиланди.

Мухтасар қилиб айтганда, малакали судьяларни тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши жамиятимизда адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигига эришишда судья ва суд ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида тўлиқ, сифатли бажарилишига ҳамда одил судловнинг юқори даражасига эришишга хизмат қилади.

**Давронбек ОЛИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши  
ҳузуридаги Судьялар олий  
мактаби масъул ходими,  
3-даражали адлия  
маслаҳатчиси.

### ИНСОНПАРВАРЛИК

Ҳаёт шиддат билан ўзгараётган бугунги кунда амалиётга янгича ҳуқуқий механизмлар жорий этилмоқда. Ёшлар иттифоқи марказий ва ҳудудий кенгашиларини улар ижтимоий ҳаётга фаол аралашувига имкон бермоқда. Айниқса, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган ёшларни тўғри йўлга қайтариш, бандликни таъминлаш бўйича қатор ишларни амалга оширмоқда. Маълумотларга кўра, 2018 йилда умумий ҳисобда Наманган вилоят, шаҳар ва туман судлари томонидан 1414 жиноий иш кўриб чиқилган. Ушбу жиноий ишларнинг 1300дан ортиғи 14-30 ёшгача бўлган йигит-қизлар томонидан содир этилган.

## Кафиллик хати

— Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши йил давомида турлича кўринишдаги жиноят содир этгани учун жавобгарликка тортилган 103 нафар йигит-қизни жазодан сақлаб қолиш ёки жазосини енгиллаштириш учун белгиланган тартибга мувофиқ вилоят, шаҳар ва туман судларига «Кафиллик хати» тақдим этди, — дейди Ёшлар иттифоқи Наманган вилоят кенгашининг юристи Жасур Ҳасанов. — Бунда албатта, содир этилган жиноятнинг оғир ва енгиллиги ҳисобга олинди. Афсусланарли томони шунки, жиноятга қўл урган ёшларнинг аксари туپна-тузик оилалар фарзандларидир. Уларнинг жиноят йўлига кириб қолишларига тажрибасизлиги, ўз ҳаёти-харакатларининг оқибатини ўйлаб қўришмаганили сабаб бўлган.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Учқўрғонлик Муроджон Садридинов 1992 йилда туғилган. Дўстларидан бирининг тўйига боришни маслаҳатлаш учун синфдошлари билан учрашди, спиртли ичимлик ичади ва унинг таъсирида тенгдошларидан бирига оғир тан жароҳати етказди.

Жиноят кодексининг 104-модда 1-қисми билан айбланган Муроджон 4 йилга озоодликдан маҳрум қилиниши керак эди. Унингнинг каттиқ пўшаймонлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг кафилликка олиши билан унга нисбатан жазо чораси енгиллаштирилди.

Норинлик 20 ёшли Мохлар эса кўшни хонадонлардан бирига кириб, ҳеч ким йўқлигиндан фойдаланиб, тул ва қимматбаҳо буюмларни ўғирлаган. Жиноят кодексининг 169-модда 2-қисми г банди билан айбни деб топилган Мохлар Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши кафиллиги билан жазодан озоод этилди.

Қосонсойлик Мухаммадjon Ҳамитов 26 ёшда. «Наманганнимёсавдо» МЧЖга қарашли 1-савдо шаҳобчасида мудир вазифасида ишлаётган. Аммо унинг ҳисоб-китоби пухта юритмаслиги панд берди. Назорат текшируви жараёнида дўкондан 27 миллион сўмлик камомад аниқланди. Мухаммадjon ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми б.г бандлари билан айбни топилди. Бироқ Мухаммадjon камомадни тўла қўлагани, муқаддам судланмагани ва ўз қилмишидан пўшаймонлиги инобатга олинди. Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашининг кафиллиги билан суд унга жарима жазосини қўлади.

Маълумки, жиноятга жазо муқаррар. Шу ўринда бир фикрни айтишга тўғри келади. Кафилликка олиш асосида тарбиявий таъсир чоралари кўрилади, албатта. Аммо ёшларнинг бу меҳроқибат, бағрикенгликдан хулоса чиқариб олишлари керак.

Носиржон ДЕХШОНОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Жаҳон бозорига йўл

### ЭКСПОРТ

«Ўзгратехноахолдинг» акциядорлик жамияти тизимидаги қатор корхоналар фаолияти мисолида ҳам яққол намойён бўлмоқда.

Ушбу жамият корхоналарида ички ва ташқи бозорларга рақобатбардор, замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришга қаратилган дастур амалга оширилиб боришмоқда.

«Чирчиқ Маш Агро» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Польша қўшма корхонасида 6 турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона конвейерларидан чиқаётган лазер нури ёрдамида ер текислаш техникалари, дискили бораоналар, штангали пуркагичлар, айланма омончлар ҳамда минерал ўғитларни сепишда ишлатиладиган техникалар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

— 2018 йилда 250 минг АҚШ доллари миқдоридagi қишлоқ хўжалиги техникалари Қозонистон, Туркменистон ва Тожикистон сингари давлатларга экспорт қилинди, — дейди қўшма корхона раҳбари Хайдар Абдушукуров. — Жорий йилда ҳам ушбу мамлакатларга 900 минг АҚШ доллари қийматидаги қишлоқ хўжалиги техникаларини экспорт қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, ички бозорда ҳам корхонамизда тайёрланган қишлоқ хўжалиги техникалари кўпайиб бормоқда.

Биргина мисол. Ўтган 2018 йил мобайнида 84 миллиард сўмдан зиёд қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилиб, мамлакатимиздаги деҳқон ва фермер хўжалиқларига етказиб берилди. Шунингдек, корхонамиз Италия, Туркия, Хитой сингари давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар ҳисобига бойиди. Эндиги мақсадимиз эса имкониятлардан унумли фойдаланиб, қўшимча иш ўринларини яратиш, корхонамизга хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш, ички ва ташқи бозордаги ўринимизни янада кенгайтиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиёти тез суръатлар билан ривожланишида хорижий сармоядорлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳон бозорига «MADE IN UZBEKISTAN» деган ёрлик билан кираётган маҳсулотлар турлари кўпайиб бормоқда. Улар орасида «Чирчиқ Маш Агро» Ўзбекистон — Польша қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам муносиб ўрин эгаллади.

Соҳибжон САЛИМОВ,  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Қорақошли, қорасочли... қиз

### ҚАДРИЯТ

Бир кун дардан қайтаётганимда, рўпарамдан келаётган чамаси ўн тўққиз — йигирма ёшлардаги қиз эътиборимни тортиди. Сочлари елкасига тушган, устидаги кийими ҳам антиқа. Тор футболкасининг кўксига «love me» («мени сев») деган шаполюқдай ёзув. Яқинроқ келганимда қарасам, қулоғида сирғаси ҳам бор экан... Кўринишдан ўзбекка мутлақо ўхшайди. Аммо, афсуски ўзбек экан. Ёнимдан ўтиб кетаётганида билдим, телефонда ўзбекча гаплашиб кетаяпти. Бунинг устига қиз бола эмас, йигит экан...

Қизик, йигит киши сочини ўстириб, бунинг устига сирга тақиб олиши нима маси? Бу нимани билдиради, модага ўчликми, тақлидми? Тўғри, илма-тешик шимда юрадиган қизларни, соч ўстириб, сирга тақиб олган йигитларни кўрганда кўпчилигимиз ажабланмай ҳам қўйдик.

Глобаллашув яшин тезлигида дунёни ўраб, чирмаб олмақда. Бундай жараёнда миллий қадриятларни сақлаб қолиш осон эмас, деб ўйлайман. Ота-боболаримиздан бебаҳо мерос бўлиб қолган асл қадриятларимиз учун кўрашмасак, ютқизамиз. Курашганда ҳам дадил, муросасиз бўлмоғимиз керак. Суस्ताшлик, эътиборсизлигимиз ўзимизга душман бўлади.

**Хилола Абдужаббарова,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети талабаси:

— Наманган вилояти муҳандислик институти қошидаги Тўрақўрғон академик лицейида бир дугонам бўлар эди, кийиниш деганда ҳаммадан ўтаман, дерди. Ростдан ҳам унинг



кийинишига кўпларимиз ҳавас қилардик. Кийимлари қимматбаҳо эмасди, аммо бежирим, озода, тоза бўларди, ўзига жуда ярашарди. Соч турмақлари ҳам ўзбекона эди. Энди билсам, у дид билан кийим танларкан. Кийиниш маданияти дегани шу бўлса керак. Тиззаси йиртиқ шим, хорижий тилда нимадир ёзилган футболка ёки калта юбка кийиш маданият эмас, балки кўр-кўрона бировага тақлид, аниқроғи енгилтақлик эканини энди тушунаймаман. Биз ўзбек қизлари қачон гўзал бўламиз, қачонки ўз миллий қадриятларимизга амал қилсак. Кийиниш ортида ҳам ҳаё, ибод, тарбия, маданият бор.

**Баҳодир Зоҳидов,**  
ҳарбий хизматчи:

— Олифта йигитми, қизми, менга умуман ёқмайди. Бўйинига занжир, қўлига икита-учта узук таққан йигит, йиртиқ шимли қиз, айниқса, сочини сап-сарик қилиб бўяб олган қизлар дунёқарашимизга маълум. Маданиятчи, билимли ёшлар ҳеч қачон ўзини бундай тутмайди. Кийими ўзига ярашган, камтар, муомилали бўлса, ҳурмат қиламан. Айниқса, кийиниш борасида бировдан ўтиб кетаман, деган нарса ҳаёлимдан ўтмаган. Чунки, қаерга қандай кийиниб боришни, қайси кийим ярашишини яхши биламан.

**Наргиза Ваҳобхўжаева,**  
тикувчи:

— Миллий либосларни жуда ҳам яхши кўраман, бошимдан дўпли тушмайди. Ҳар бир қиз-аёлларимизга дўппи, атлас қўйлак ярашади. Кийим ранги,

фасони дид билан танланиши лозим. Ҳозирда ижтимоий тармоқларда турли хил либослар расми чиқади, бизга ярашадими ё йўқми, бўлди, унинг расмининг олиб тикивчига олиб борамиз. Махалламизда биздан икки-уч ёш катта бир қиз бор эди. Соддагина эди. Шу табиий содаллиги билан гўзал эди. Нима жин урди, билмайман. Бир минимаркетта сотувчи бўлиб ишга киргач, ўзгарди қолди. Сочлари сариқча, юзлари, лаблари ҳар хил рангга бўялди, тор шим киядиган бўлди...

Биз сонимизни сариқча бўйимизми, тиззаси йиртиқ шим ёки кўксига инглизча ёзилган футболка кияимизми, барибир, ўзбеклигимизча қоламиз. Ўзбек бўлиб туғилганимизга шукр қилишимиз, фахрланганимиз керак. Негалигини қандай юрда яшаётганимиз, қандай буюк аждодларимиз борлигини ўйласак, англаб етамиз.

Энди қизлар ўйлаб қўрайлик, синглимизга қўғирчоқ сова қилиш учун дўконга кирдик. Калта қўйлақли ёки бошқа миллий кийимдаги, сарик сочили, мовий қўзли қўғирчоқ ёнида атлас қўйлақли, қорасоч, қорасоқ қўғирчоқ турбиди. Қайси бири кўзимизга оловдай кўринадими, юрагимизни жазиллатади?... Албатта миллий либосдагиси. Чунки, биз ўзбекмиз, ўз урф-одатларимиз, либосларимиз билан гўзалмиз, қадрлигимиз.

**Умида НИШОНОВА,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университети талабаси.

### РЕКЛАМА

## Каракалпакский филиал ООО «Агросаноат мулк маркази» собошца

14 марта 2019 года в 15.00 в городе Нукусе проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен, выставляется на продажу:

Автотранспортное средство принадлежащая Управлению ССПО РК:

— Автомашина марки «Лассети», 2010 года выпуска, гос. номер 95/524 JAA, начальная цена 9 445 600 сумов. Расположено по адресу: с. Нукус, ул. Дослык гузары, дом 96.

Приём заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Приём заявок прекращается 13 февраля 2019 года. Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон банк». Информацию об объектах, выставляемых на торги, можно получить по адресу: г. Нукус, ул. Амир Темура, дом 122а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Услуги лицензированы

«Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур».

УЛУГЛАРИМИЗ  
ЎГИТЛАРИ



ХУЛҚ

Инсон икки нарсдан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрув. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирув. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор сурати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур. Жасаднинг сурати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг сурати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталув.

Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдим, «аллоху акбар», бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туриб юлдузларга кўн узатмак кабудур. Расули акрам набийи муҳтарам саллоллоху алайҳи васаллам афандимиз: «Бир тоғнинг ўрнидан кўчиб кетганини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди деб эшитсангиз, ишонмангиз», — дедишлар...

Абдулла АВЛОНИЙ

Ҳайратларим сурати

СИНМАГАН СУРХОН ҚИЗИ

Ҳаётимда ижодий сафаримни биринчи бор қабристон зиёратидан бошлашим. Сурхондаре вилояти, Музработ туманидаги «Юртим жамоли» маҳалласидаги «Биби Робия» номлидаги қабристон пойдамиз. Бу хотирот майдони қачон ташкил топган, мўътабар инсонлар хоки тўқилган бу муқаддас қароргоҳ нега бу ном билан аталади, деган ўйлар хаёлимни чулгаркан, бу ҳақда ҳамроҳларимдан жавоб олгим келади. Бу орада янги сувоқдан чиққан қатор қабрлар оралаб ҳамроҳим Тўфа Боймуродова онаси пойига етиб келамиз. Тиловат қиламиз. Тўфа кўш тигида қизиб ётган онаси қабри тупроғидан бир сиқим олиб кўзларига суртади. Узоқ сукутга чўмди...

— Бу қабристоннинг пайдо бўлганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Унинг ўзига хос ажойиб ва гаройиб тарихи бор, — гап бошлади иккинчи ҳамроҳим, Термиз давлат университетининг профессори, халқаро «Антик дунё» илмий академияси академиги, тарихчи ва шоир Юсуф Вализода Дарбандий. — Ҳаётим, ижодий ва илмий фаолиятим Дарбанддан олисда ўтган бўлмасин, ўзимни дарбандлик деб биланман. Чунки мен шу манзилда таваллуд топганман, шу гўшада кичик қоним тўқилган. Гапни узокдан — Дарбанддан бошлаганимга ҳайрон бўлманг, — сўзда давом этди у. Яна қайтараман, Дарбанд меннинг ору номуслим, давлатим... Дарбанд Сурхондаренинг энг сўлим гўшаларидан бири бўлиб, Дарбанд дарёси қирғоқларидаги Мачай, Қизилнавр қишлоқлари қаторида одам зотининг илк маскани бўлганлиги тарихдан аён. Яна шуни биланман ва ифтихор билан айтманки, гўзал Дарбанд дарёси атоқли шоиримиз Абдулла Ориповга илҳом париси бўлган. Шоиримизнинг бу қадим дарёга бағишланган шеъри ҳам бор: Юракда сен ижод хиссини чертдинг, Тўқинлар гулдир, гирдоб навоси. Хотирамга ажиб ўйлар киритдинг, Эй, Дарбанд дарёси, илҳом дарёси... дегя қарамон шоиримиз сатрларидан ўйиди шоир Дарбандий.

— Уэр, сизга дарбандлик эканим билан бир мактангим келди-да, — дейди олим бироз ўйга чўмиб. — Уенин сўрасангиз энг асосий гап шундаки, бу қабристон қавми — дарбандликлар абадул абад нақсон топган маскан. Қабристонга номи берилган Биби Робия шу қавм оналаридан бири...

Сўбатимиз шу жойига келганда узилиб қолди. Кўш кўзидираяпти. Жазирама иссиқдан қўчиб қабристон қравултончасига бош сукамиз. Тўрт тарафига кўрпачалар тўшалган мўъжазана сула. Зиёратта келган икки оқсоқол ўёқдан-ўёқдан гаплашиб ўтиришди. Дарёга қўшилганимизни эслади, нафас ростлаган бўламиз. Гап айланиб яна қабристон тарихига уланади...

Яхшиси, эшитганим эшитинг, кўрганларим кўринг...

...Тадбир тақрриси билан 1950 йилларда Бойсун тумани, Дарбанд қишлоғи аҳолисининг бир қисми Музработ (илгирлиги Шеробод) туманига кўчириб келинади. Булар асли тожиқ миллатига мансуб бўлиб, ўзбек тилини ўзбеклардан қўлшмайдиغان даражада кўркам билишар ва иезиғни она тилимиз, дегя фахрланишарди. Пахта, дон етиштириш, кўрж ерларни ўзлаштириш каби қишлоқ ҳўжалигининг энг оғир тармоқларида ўзбек-тожиқ оғаниндек елкама-елка туриб меҳнат қилишган. Икки миллатнинг яқинлиги қўда-андачилик, қўш-чиқил, дўсту биродарлик даражасига кўтарилган. Дарбандликлар кўчманчилар эмас, балки шу манзил фуқаролари, шу туман фидойилари каби агнорт қалбига сингиб кетган. Байрамлар, тўй-маросимлар, Наврўзи оғлам каби халқ сайилларини ҳаммуқоатликда, шодийналикда ўтказиб келишарди...

— Фақат бир масалада дарбандликларнинг кекса авлоди қатъий туриб оқдилар, — дейди дарбандлик сўхбатдошимиз, кекса отахон Юсуф Тоғоев. — Дарбандликлардан ким ҳаётдан ўтмасин, кексами, ёшми, ҳатто чақалоқларни ҳам Бойсундаги дарбандликлар хилхонасига олиб бориб

дафн этишган. — Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, борди-келдиси билан уч ноз чакримча келадиган йўл босишнинг ўзи бўладими? — сўзда давом этди у. — Улим ҳақ, ўлим об-ҳаво, вақт танламайди. Қишнинг қаратони, ёзнинг жазирама чилгаси дейсизми, эшак аравада, от-ўлода, йиллар ўтиб енгил-елги юк машиналарда майит бир амаллаб манзилга етказиб боришган. Йўлда машиналар бузилиб қолган, ҳалокатга учраган воқеалар ҳам бўлган. Транспорт таъмирланибми ёки бошқа бирор от-ўлов топишунча майит йўл чегига чиқариб қўйилган. Майит соғудан таёқдай қотиб, музлаб қолган, иссиқда паша-чиғинларга таланган ҳўлатлар ҳам бўлган. Айтсам тилим, айтмасам дилим кўяди, деганларидек шундай аянгли ҳўлатлардан кейин ҳам дарбандликлар қайсарлик қилиб ўз сўзларидан қайтмаганлар. Эй, парвардигор ўжар бандангизни ўзинг кечиринг, дейишдан бошқа на илож?! — Бу кўрғиликлар отам ҳалок бўлганларида бизнинг оила бошидан ҳам ўлган, — дейди Тўфа. — У пайтлар Бойсун — Музработ йўлларида кўш учса қаноти, одам юрса оёғи кўяди... Жон гарот, мол гарот дегани нима эканини бизлардан сўранг... Ҳамма гап шундаки, бу оғир, мусибатли ҳўлат 61 йил давом этди! 61 йил-а!

Мулоҳаза: Баёнлардан Музработда дарбандликлар учун қабристон топилмабди, деган ўйга борманг. Бир асрлик тарихга эга «Ҳўж оталар» қабристонини дарбандликлар маҳалласининг шундоқина ёнида. Бироз нарироқдаги қабристон ҳам ордончилиги жиҳатидан Бойсундаги дарбандликлар қабристонидан қўлшмайди... Ҳамма гап урф-одатларга кўр-кўрона ёпишиб олишда, тақлид қилишда, қўлаверса, ақидадарастликда... Тўғри, ҳаётда анъаналар билан янгиликлар орасида ҳаммаша кураш бўлган. Умрбод риюа қилиб келинган одатий нарсалардан воз кечишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ленин ҳар бир нарсаси эскирганда, табиийки, янгилаш зарурати тўғилади. Урф-одатларни, турли ақидано маросимларни яратувчилар ҳам, уни янгиловчи, ўзгартирувчи ҳам одамларнинг ўзлари-ку! Яшаш тарзини қийинлаштираётган, одамларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан мушкул аҳволга солаётган ақидалардан воз кечишни иктимой тур-



Тўфа БОЙМУРОДОВА

муш тарзи, давр талаб этиб турса, нега бу янгиликча амал қилмаслик керак?! Бундоқ қараганда, Музработ ҳам, Бойсун ҳам бир воҳа — она Сурхон тупроғи-ку!

Майит тобута қўйилиб, одамлар уни елкаларига олишлари билан манзил-мақонига тезроқ етказишларини кутармиш... Шундай экан, майитни маҳтал қилмай, унинг ризолиғи учун ҳам боқий дунёсига тезроқ етказиш ҳар қандай ақидадарастликдан устун эмасми?!

— Ҳақ гап! — дейди олим Дарбандий. — Музработ — Бойсун оралиғидаги борди-келди машаққатлари аввало дарбандликларнинг ўзларига ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчилик келтирди, тоқатлари тоқ бўлди ҳамки, қани орқага қайтишса бу қавми... Қарасам, иш чатоқ... Ўйлаб ўйимга етолмайдим, маслаҳатга ўша пайтдаги Музработ тумани ҳўжми Шамсиддин Орипов қабулига кирдим. Дарбандликлар учун Музработда алоҳида қабристон учун тумандаги захира ерлардан ўн ярим гектар ажратиб бериш тўғрисидаги қарорга кўл қўйди. Шунда ҳам вазият ўзгармади. Бу орада қанчалаб дарбандликлар оламдан ўтиб кетишди. Аҳвол эса ўша-ўшалигича қўлаверди...

Дилбар МАҲМУДОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Давоми келгуси сонда. ▶

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН



«QQB-mobile» иловаси билан барча тўловлар осон!

(+99878) 150-93-39



www.qqb.uz

2009 йил май ойида Тошкент молия институти томонидан Комил Худойназарова берилган MN040631, P/P 286 рақамли магистрлик дипломи йўқолгани сабабли бекор қилинади.

**AGROBANK**

**Агробанк халқаро пул ўтказмалари тизимини янада кенгайтди**

Хусусан, жорий йилнинг 8 февраль куни «Агробанк» акциядорлик тижорат банки Туркиянинг «Актиф банки»нинг UPT халқаро пул ўтказмалари тизими билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди.

Энди UPT халқаро пул ўтказмалари тизими орқали мижозлар ўтказмаларини тез ва арзон нархларда амалга оширишлари мумкин бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, «Актиф банки» Туркиянинг энг нуфузли хусусий банкларидан бири бўлиб, бизнесни қўллаб-қувватлаш, инновацион ғояларни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий секторда катта лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиб келади.

**UPT халқаро пул ўтказмалари тизими Туркияда 10 мингдан зиёд, дунёнинг кўплаб давлатларида 400 мингдан ортиқ шохобчаларига эга.**

«Агробанк» АТБ матбуот хизмати.

**ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»**

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3Т, 4.5Т, 9Т.

**ГАРАНТИЯ 1 ГОД**

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

**O'ZBEKISTON OVOZI**

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**

Hotamjon KETMONOV	Saidkamol XODJAYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musilhidin MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Mahmud TOIR	Shuhrat JALILOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45  
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56  
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 251. 5419 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220. t — Tjorat materiallari O'zA yakuni — 03:00. Topshirilgan vaqti — 04:30. Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6